



ҒОЛИБЛИК, ҒАЛАБА ТҮЙҒУСИ ҚОНИМИЗДА БОР

Янги Ўзбекистон тарихининг чинакам ЯНГИ САҲИФАЛАРИ ОЧИЛДИ

Ҳар бир инсон туғилиши, унинг онги, фикрлаш уҳдаси, ҳис-туйғулари билан қудратли мўъжизадир. Агар бу ҳақда теран таҳлил билан ўйлаб кўрадиган бўлсак, ҳаётнинг ҳар сонияси нақадар қадри, ўтаётган фурсатлар улғ неъмат экани англашилади. Бундай етуқлик ҳар бир инсонда шаклланиб, моҳиятан бирлашган жамиятда миллий тараққиёт ҳодисаси юзага чиқа бошлайди. Аксинча эса инқирозий ҳолат пайдо бўлади.

Шу ўринда табиий савол туғилади: бугун биз қайси тоифага мансубмиз? Некбинимиз?

Аслини олганда, ҳар нарсани яхши томондан кўрувчи, келажакка ишонувчи, оптимист жамиятдагина ислохотлар амалга оширилади ва энг муҳими, улар самарали кечади.

Парижда бўлиб ўтган XXXIII ёзи Олимпия ва XVII ёзи Паралимпия ўйинларида спортчиларимиз эришган тарихий ғалабалар чўққисиди туриб, ҳаёлимиздан беихтиёр ана шу ўйлар ўта бошлади. Зеро, бу икки воқеалик ўзаро уйғунлашув моҳиятига эгаки, бунга мўлоҳазаларимиз давомиди ҳали тўх-таламиз.

УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИНГ ЁРҚИН МУЖДАЛАРИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ғолиб атлетларимиз билан учрашувдаги нутқиди бу тарихий ғалаба янги Ўзбекистон ёшлари қандай буюк ишларга қодир эканини яна бир марта амалда намойиш этгани,



бундай йирик халқаро мусобақада дунёдаги ҳар бир мамлакатнинг спорт соҳасига бераётган эътибори, миллат ва халқнинг жисмоний ва маънавий салоҳияти яққол намойиш бўлишини алоҳида эътироф этди. Ўзбекистонлик атлетларнинг Олимпия ўйинларидаги натижалари ҳақида ёзган “Financial Times” нашри Олимпия медаллари, мамлакатнинг спорт оламида эришяётган ютуқлари давлатнинг умумий ривожланиш ва инсоний тараққиёт даражасини билдиради, дея таъкидлади.

Бу ўринда алоҳида таҳлил қилиб, фикрий вужудимизга синдириб олиш керак бўлган икки муҳим таъкид бор.

Биринчи таъкид — миллат ва халқнинг жисмоний ва маънавий салоҳияти яққол намойиш бўлиши.

Иккинчи таъкид — давлатнинг умумий ривожланиш ва инсоний тараққиёт даражаси.

Яқинда бир даврада Учинчи Ренессанс ҳодисаси ва унинг илк муждалари нима-ларда намоён бўлаётгани ҳақида мусоҳаба

юриб қолди. Фикрлар турфа эди. Аммо шу кунларда ўйимизга бир жиддий тўхтам келиб турибди. Гап шундаки, Олимпия ва Паралимпия ўйинларида спортчиларимиз эришган ва умуман, кейинги йилларда турли соҳаларда янги Ўзбекистонимиз ёшлари кўлга киритаётган оламшумул ютуқлар олдимизга қўйган улғ мақсад — Учинчи Ренессанс йўлидаги ёрқин муждалардан бири эмасми ахир?!

► Давоми 3-бетда

ЯНГИ РЕКОРД, ЯНГИ МАРРАЛАР БАЙРАМИ

Музаффар паралимпиячиларимиз муносиб кутиб олинди



Франция пойтахти Парижда бўлиб ўтган XVII ёзи Паралимпия ўйинлари худди XXXIII ёзи Олимпия ўйинларида бўлгани каби Ўзбекистон жамоасининг тарихий ғалабаси — медаллар жамғариш бўйича 168 давлат ўртасида 13-ўрин натижаси билан яқунланди.

Кеча, 9 сентябрь кунини Ўзбекистон Паралимпия ўйинлари тарихида янги рекорд натижа — 10 олтин, 9 кумуш, 7 бронза — жами 26 та медаль кўлга киритган матонатли спортчиларимиз юртимизга қайтиб келди. Уларни Тошкент халқаро аэропортида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н.Исмоилов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов, давлат ва жамоат арбоблари, спортчиларнинг ота-оналари, яқинлари, кенг жамоатчилик вакиллари тантанали кутиб олди.

► Давоми 6-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ДУНЁ ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИДА ЕТАКЧИ ДАВЛАТЛАРДАН БИРИГА АЙЛАНМОҚДА

Сўнгги йиллардаги рақамлар ҳам шуни кўрсатапти. Биргина ўтган йили мамлакатимиз тўқимачилик саноатида 75 дан ортиқ давлатга 3,5 миллиард долларлик маҳсулот экспорт қилинди. 2026 йилга бориб ўшбу ҳажмни 6,5 миллиард доллардан ошириш режа қилинган. Европа бозорига маҳсулот чиқаришда ҳам тўқимачилик саноатимиз етакчилик қилиб, жаҳонда ўзининг брендлари билан танилмоқда. Хатто хорижлик мутахассислар Ўзбекистоннинг дунё тўқимачилик таъминоти занжиридаги ўрни ошиб бораётганини таъкидлапти.

► Давоми 2-бетда



ИПОТЕКА КРЕДИТИ ОЛИШ ОСОНЛАШДИ, ТЎЛАШ-ЧИ?

4



ПАРИЖДАН ТАРАЛДИ ЎЗБЕКНИНГ НУРИ

“Париж-2024” Паралимпия ўйинлари ғолиб ва совриндорларига

Хушхабар муборак ўзбек элига,
Шукрин нурин тўқар очган кўлига.
Шодлиги сизгадир бугун дилига,
Қувонч қўша келса, қутлагинг келар,
Қаддинг тутиб, қадринг бутлагинг келар.

Ҳеч қачон сўнмасин миллатнинг кўри,
Ғолиблик сурури, мардлик сурури,
Париждан таралди ўзбекнинг нури,
Шоирман — бу бахтни қозоғиза солдим,
Кўклаган кўнглимни парвозга солдим.

Ҳақ деган бандасин кўллайдиди Худо,
Асила нигоҳи минг содан аёло,
Оламга таралди рекорддан садо,
Тарих дафтарига битилди мангу,
Биринчи олтиннинг соҳибаси у!

Қудратилла қудратин кўрсатган ўғлон,
Ёрқинбек юрт аҳлини яйратган ўғлон,
Элбек мадҳиямиз янграган ўғлон,
Бу улғ кунларни қим қилмас орзу,
Ўзбек ўғлонларин насибаси у.

Асадбек алпарнинг арслони бўлди,
Ғолиблик рутбаси, унвони бўлди,
Орзу осмонининг нарвони бўлди.
Бутун жаҳон билса ўзбек номини,
Биз нега тутмайлик қувонч экомини!

Ҳусниддин дунёга доғруқ сололди,
Уч қарра олимпнинг олтинини олди,
Қолди у, ўзбекнинг қалбида қолди.
Ҳайратга солганда эжумла эсхонини,
Нечун шарафламай бундай ўғлонни?!

Токио рекордин янгилаб қўйган,
Бобурлар азалдан Ватанини суйган,
Шерзоод ҳам шу қувонч наъшасин туйган,
Нурига тўлдириб туран майдонин,
Бошига кўтарди миллати шонин.

Толиббой рекорди Тангри туҳфаси,
Нурхонни нур қилди ғолиб лаҳзаси,
Ўн бора товланди олтин ҳалқаси,
Юртбоши матлабин янградингиз сиз,
Матонат мактабин яратдингиз сиз!

Кумуш соҳибларин қўйламай бўлмас,
Уларнинг кўнглига бўйламай бўлмас,
Гулжан, Кубарони сийламай бўлмас,
Қўкка сизга қолар Серверни борлар,
Зиёда ибратин зиёси порлар.

Кумушхон кумушин ётга бермади,
Рўза шоҳлигини мотга бермади,
Кенжаотой Шаҳина четда турмади,
Миллатим ойлари — ойдин ойларим,
Сизга таъзимдамиз Кумушойларим.

Арпани, бугдойми — бари дон ахир,
Бронза шодаси, бу ҳам шон ахир,
Минглаб рақибларга бу армон ахир,
Келин, элдошларим, қутланг қўшқўлаб,
Ғолиблар бахтинини, умринини тилаб.

Илк медаль соҳиб Муслима эди,
Темир ва Учқунлар сафдамиз деди,
Моҳиғул — эл қизи эл гамин еди.
Оврупода ўзбек ишоби порлар,
Шеър битсам сўзимнинг офтоби порлар.

Юртбоши қутлови — юртнинг қувончи,
Халқнинг ифтихори, халқнинг ишончи,
Сўхбати кўзлардан томдирди томчи,
Миллат кўксиди тоғин хуш кўрдик,
Шодликка сизмаган чоғин хуш кўрдик.

Янги Ўзбекистон — янги шон билан,
Кун сайин юксалар пок иймон билан,
Беллашиб турибди бор жаҳон билан,
Жаҳон ҳам тан олиб эврилгани бу,
Сиебат меҳрга йўрилгани бу.

Шунчаки керилмас ўзбеклар ҳеч вақт,
Ҳалоллик уларга бобомерос аҳд,
Икки олимп тутган Париждаги тахт,
Одил ниятининг ижобати бу,
Оқил раҳнамосин саодати бу!

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири



ЎЗБЕКИСТОН ДУНЁ ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИДА ЕТАКЧИ ДАВЛАТЛАРДАН БИРИГА АЙЛАНМОҚДА

Давлатимиз раҳбари ўз табиригида соҳадаги ислохотлар ҳақида алоҳида тўхталар экан, мамлакатимиз тўқимачилик саноатида барқарор қонунчилик базаси яратилгани, инвестициявий муҳит яхшилангани, янги технологиялар жорий этилгани натижасида пахта толасини қайта ишлаш 2017 йилдаги 40 фоиздан 100 фоизга етганини таъкидлаган.

Бошланиши 1-бетда

Бу уларнинг нафақат юртимизга инвестиция киритиш, балки пахтани етиштиришдан то қайта ишлашгача бўлган жараёни амалга оширишга қаратилган ўзига хос тажрибасини ўрганиш, ўзаро ҳамкорликка бўлган қизиқишини оширмоқда. Шу кунларда дунё тўқимачилик саноатининг кўплаб таниқли вакиллари, соҳа етакчиларини юртимизда жамлаган сабаб ҳам шу билан боғлиқ.

Кўҳна Самарқанд замини 8-10 сентябрь кунлари нуфузли тадбир — Халқаро тўқимачилик ишлаб чиқарувчилари федерацияси (ITMF) ҳамда Халқаро кийим-кечак федерацияси (IAF)нинг “Инновациялар, ҳамкорлик ва тартибга солиш — тўқимачилик саноати ва кийим-кечак ишлаб чиқаришининг ҳаракатлантирувчи кучлари” мавзусидаги йиллик конференциясига мезбонлик қилмоқда. Шу муносабат билан жаҳон тўқимачилик саноатининг машҳур ишбилармонлари, таниқли бренд ва компаниялар, молия институтларининг 500 дан ортиқ вакиллари Самарқандда жам бўлган.

9 август кuni анжуманнинг тантанали очилиш маросими ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг анжуман қатнашчиларига табригини Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари Ж.Хўжаев ўқиб эшиттирди.

Давлатимиз раҳбари ўз табиригида соҳадаги ислохотлар ҳақида алоҳида тўхталар экан, мамлакатимиз тўқимачилик саноатида барқарор қонунчилик базаси яратилгани, инвестициявий муҳит яхшилангани, янги технологиялар жорий этилгани натижасида пахта толасини қайта ишлаш

2017 йилдаги 40 фоиздан 100 фоизга етганини таъкидлаган.

Албатта, халқаро ҳамкорлик соҳада жуда муҳим. Хорижлик ишбилармонларни эса шунчаки қизиқтириб бўлмайди. Уларнинг ўзи ўзбек тўқимачилик маҳсулотларига ижобий баҳо берапти, сифат борасидаги юқори ўсишни кузатяпти. Миллий маҳсулотларимизга жаҳон бозорида талаб ортиб, хориж брендлари юртимизда иш бошлаётгани бунинг исботи. Йирик тадбирлар ана шундай ҳамкорликларни янада кенгайтиради.

Халқаро анжуман бекиёс Самарқанд заминда ўтаётгани ҳам бежиз эмас. Бу шаҳар



қадимдан Буюк ипак йўли дурдонаси сифатида танилган. Бутунги кунга келиб эса тўқимачилик саноатидаги йирик тадбиркорлар, ишлаб чиқарувчилар диёрига айланмоқда. Умуман, юртимизнинг ҳар бир жойида тўқимачилик саноати янги босқичга чиқиб борапти.



— Халқаро анжуманнинг сабабчилари бўлган иккита йирик уюшма дунёнинг 82 фоиз тўқимачилик корхоналарини ўзида бирлаштиради, — дейди Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси Даврон Ваҳобов. — Ана шундай нуфузли тадбирга мезбонлик қилаётганимизнинг ўзиёқ дунёда юртимиз тўқимачилик саноатида бўлган қизиқиш, ишонч ва эътибор ошиб бораётганидан далолат беради. Бу шунчаки мезбонлик эмас. Тадбир, аввало, тармок корхоналарининг жаҳон бозорига янада кенг кириб боришига йўл очади. Яқин йилларгача бизнинг асосий бозоримиз Марказий Осиё давлатлари бўлиб келган. Фаол ҳамкорлик алоқалари ва соҳадаги ривожланишлар туфайли дунё майдонига кириб бориш ва экспортда сезиларли натижаларга эришяпмиз. Тадбиркорларимиз пахта хомашёсини тўлиқ қайта ишлаб, сифатли тайёр маҳсулотга айлантиряпти, энди машҳур брендлар билан тўғридан тўғри ишлашга интиляпмиз. Улар имкониятларимизни билиши учун бунни кўриб, танишишни керак. Шу жаҳатдан халқаро тадбир қайта ишлашда қайси даражага чиққанмиз, тўлиқ қиймат занжири яратилгани ва тайёр маҳсулотларимиз жаҳон бозорида бемалол рақобатга кириши олаётганини кўрсатувчи кўприк вазифасини ўтайди.

“Better Cotton” ташкилоти масъулари таъкидлашича, ҳозирги кунда 22 мамлакатдаги 2 миллиондан ортиқ фермер “Better Cotton” лицензиясига эга ва ўз пахталарини бозорда сота олади. Икки йиллик ҳисобот натижаларига кўра, Ўзбекистон “Better Cotton” дунё харитасида яққол қайд этилган. Бу тизим пахта барқарорлигини таъминлаш бўйича халқаро дастур ҳисобланади. Ўтган йиллар давомида Ўзбекистондаги кўплаб пахта-тўқимачилик кластерларига “Better Cotton” лицензияси берилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Самарқандда ўтаётган тадбирнинг аҳамиятли томони ҳам шунда. Соҳа вакиллари ана шундай муҳим маълумотлар билан таништирилади. Хорижлик иштирокчиларнинг асарияти юқоридagi икки нуфузли ташкилот аъзолари. Бу ташкилотларнинг бири — Халқаро тўқимачилик ишлаб чиқарувчилари федерацияси (ITMF) ўз номи билан шу соҳа

вакилларининг глобал савдо бирлашмаси бўлиб, улар ўртасида алоқа ва ҳамкорликни ривожлантиради, саноатнинг ўсиши ҳамда барқарорлигини таъминлайди. Халқаро кийим-кечак федерацияси (IAF) ҳам шу вазифани бажариш баробарида тармокдаги асосий муаммолар ва имкониятларни ҳал қилишга кўмаклашади.

— Ўзим ITMFнинг бошқарув кенгаши аъзосиман, — дейди Хитойнинг “Desco” компанияси директори Майкл Цай. — Ташкилотнинг йиғилишида иккинчи бор иштирок этишим, аммо Ўзбекистонда илк бор бўлиб турибман. Бу мамлакатнинг одамлари менда илқ таассурот қолдирди. Улар жуда меҳмондўст, самимий. Шаҳардаги тарихий обидаларни кўришга ҳали вақтим бўлмади, аммо йўл-йўлакай уларга кўзим тушди, ҳақиқатан жуда чиройли. Халқаро конференцияга келадиган бўлсак, бизники каби компаниялар учун ажойиб платформа бўлиб хизмат қилмоқда. Бу ерда тармокнинг кўплаб етакчилари билан фикр алмашиб, ўз ютуқ ва ташаббусларимиз билан ўртоқлашиш имкони пайдо бўлди. Янги ҳамкорлар топиш ниятидаммиз. Ҳар бир ҳамкорлик компаниямизнинг тўқимачилик саноатидаги умумий ривожланишида муҳим ўрин тутди. Бу рақобат бозорини ўрганишга ҳам ёрдам беради. Компаниямиз глобал миқёсда кийим-кечак ва аксессуарлар дизайни ҳамда ишлаб чиқариш билан шугулланади. Маркетинг, дизайн, ишлаб чиқариш ва логистикани ўзида жамлаган тўлиқ пакетли хизмат кўрсатамиз. Маҳсулотларни жаҳоннинг тўққизта давлатига етакчиб берамиз. Ҳозир 21 та офисимиз бор ва уларда турли миллат вакиллари ишлайди. Хитойдан ташқари Вьетнам, Ҳиндистон, Мексика, Бангладеш каби мамлакатларда ишлаб чиқариш фаолиятимиз бор. Ўзбекистонни ҳам улар қаторига қўйишни тайяляпмиз. Бу диёрнинг тўқимачилик саноатини ўрганиб, бозорга тайёрлигини аниқлаш, стратегия асосида иш бошлашни, соҳага инвестиция киритишни режалаштирганимиз. Ҳамкорлар алоқаларини ўрнатиш бўйича музокаралар олиб борапмиз.

Назаримизда, Ўзбекистонда вертикал интеграция ва саноатнинг ривожланишига катта эътибор қаратилган. Соҳа вакилларида давлат томонидан кўрсатилаётган кўплаб-қувватлов ҳам таҳсинга лойиқ. Бу омиллар мамлакатнинг тўқимачилик саноатида жуда муҳим ўрин тутди. Биз икки томон учун ҳам бирдек манфатли ҳамкорлик ўрнатмоқчимиз. Энг замонавий тажриба ва технологиялар, катта инвестицияларни Ўзбекистонга олиб келишимиз мумкин. Чунки дунёнинг йирик чакана савдо брендлари билан ҳамкорлигимиз бор. Ўзаро ҳамкорлик орқали Ўзбекистонни глобал савдо тармоғи билан боғлаш мумкин.

Ирода АНВАРЖОН қизи, журналист

Инсон қадри учун

ҲЕЧ КИМ ЖИНОЯТЧИ БЎЛИБ ТУҒИЛМАЙДИ

Фарғона туманидаги “Дўстлик” маҳалла фуқаролар йиғинида яшаб келган Бобурнинг орзу-мақсадлари бир олам эди. Шинам уй-жой, тинч, тўқин ва фаровон ҳаёт. Бу мақсадларга эришиш учун имконият, шароитлар етарли, фақат меҳнат қилса, изланса кифоя.

Аммо у бойиб кетишининг осон йўлини таллади. Айланма йўллар орқали қўшни мамлакатдан ноқонуний маҳсулот олиб ўтиш, сотиш билан шугулланиб, чегарачилар томонидан қўлга олинганида ҳаммасига кеч бўлганди. Унга чегарадан кўп миқдорда ноқонуний товар олиб ўтиш айбони билан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

— Озодлик, эркинлик қадрини тўрт дотор ичида ўтирганда билдим. Шу ерда 10 ой 13 кун бўлдим, — дейди Бобур Қаюмов. — Бу фақат айтишга осон, яхши кунлар келишини умид қилиб, тунларни тонгга улаб ўтказдим. Қилмишимдан чин кўнгилдан пушаймон бўлдим. Президентимизга раҳмат, бизни янги ҳаётга қайтарди, имконият берди. Энди жамиятнинг фаол аъзоси бўлиб, юрт тараққиёти, оилам, ватаним тинчлиғи йўлида олиб-югуриб хизмат қиламан. Хатога асло йўл қўймайман, фарзандларимнинг тарбиясига эътиборли бўламан, токи улар мен қилган хатонини қайтармасин, бошқаларни ҳам шунга чорлаб қоламан.

Мустақиллигимизнинг ўттиз уч йиллиги байрами муносабати билан Президентимизнинг “Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисидаги”ги фармони Бобурни яна қайноқ ҳаёт бағрига қайтарди. Энди у ҳам бошқалар қатори оиласи бағрида меҳнат қилиш, дам олиш, сайлаш ва сайланиш билан боғлиқ конституциявий ҳуқуқлардан эмин-эркин фойдаланиш имкониятига эга.

Адашганларни тўғри йўлга солиш, қийналган дамларда сунячиқ бўлиш, кечиримлик, бағрикенглик халқимизга хос фазилатлардан. Инсон қадри улугланган юртимизда бу аъёнлар янада кенг қўлоб ёзмоқда, адашганларга имконият бериляпти. Асосий мақсад қийин аҳволга тушиб қолганларга имкон бериш, қўллаб-қувватлаш, ўз муаммоси билан ёлғиз қолдирмаслик.

Кейинги йилларда бу имкониятдан фойдаланган минглаб инсонлар соғлом ҳаётга қайтиб, жамиятимиздаги исло

хотларнинг фаол иштирокчиларига айланди.

— Афв этишдан асосий мақсад хато қилганини кечириш орқали уларнинг оилаларига рўшнолик олиб кириш, — дейди Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Ижтимоий кўнкама маркази раҳбари ўринбосари Баҳромжон Мадумаров. — Фармон доирасида вилоятимиздан 52 киши жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилиниб, оиласи бағрига қайтди. Ижтимоий кўнкама марказлари ходимлари томонидан озодликка чиққан шахсларга кийим, озиқ-овқат, бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш, шунингдек, меҳнат даражаси, диплом, нафақа гувоҳномаси сингари керакли ҳужжатларни олиш, зарурий ҳолларда даволаниш, қариялар ва ногиронлар уйларига йўланмалар бериш каби амалий ёрдам кўрсатиш бўйича аниқ манзилли чора-тадбирлар ижроси таъминланмоқда. Озодликка чиқарилган фуқароларнинг барчаси вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси билан ҳамкорликда тўлиқ малакали тиббий кўриқдан ўтказилди. Барчаси фуқаролик паспорти билан таъминланиб, қизиқиши ва меҳнатга лаёқатлилик даражасига кўра муқим иш жойлари билан таъминлаш мақсадида чоралар кўрилкома.

Фармонга кўра, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларнинг барчасига шаҳар-туман ҳокимликлари ҳузуридаги Ижтимоий кўнкама марказлари томонидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 6 баробаригача бир марталик моддий ёрдам пуллари тарқатилди. Ҳар бир шахс билан яккама-якка суҳбат ўтказилиб, келгуси ҳаётда ўз ўрнини топиб кетишига амалий ёрдам кўрсатиляпти, ҳуқуқий маслаҳатлар берилкома. Қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш мақсадида тарғибот тадбирлари ўтказилиб, ижтимоий ҳаётга мослашишга кўмаклашиш учун ўзқ йиллар давомида жамиятнинг турли соҳаларида ишлаб, нафақага чиққан намунали оила аъзолари, фаоллардан иборат тарбиячи мураббийлар, ИИБ профилактика инспекторлари бириктирилди. Тарбиячи мураббийлар жамиятимиздаги

ислохотларнинг мазмун-моҳияти, инсон манфаатларига қаратилган сазй-ҳаракатлар, бутунги тинч-осуда ҳаётимизга шукрона келтириш, уларнинг маҳаллада ўтказилаётган турли маросим ва тадбирлардаги иштирокини таъминлаш, меҳнат бозорида ўз ўрнини топишга кўмаклашиш мақсадида тегишли ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиб келяпти.

— Қилмишимдан жуда афсусдаман, — дейди бағдодлик Усмонали Султоналиев. — Энди бундай ноўғу хатти-ҳаракатлар билан шугулланмайман. Оилам, яқинларим даврасида мамлакатимиз мустақиллигининг 33 йиллигини байрам қилдик. Озод ва эркин яшаш қанчалик қадрли неъмат экани ва уни асраш муҳимлигини тушуниб етдим. Озодликка чиқишим оилам ва маҳалладошларимга ҳам чексиз қувонч олиб келди.

Жазодан озод этилганларнинг ҳар бири ҳали навқирон ёшда. Улар катта мақсадлар сари йўлга отланган-у, турли сабаблар билан адашган. Панжара орти уларга катта сабоқ бўлди. Бу жойда йўқотилган қимматли вақтининг қадрига етиш кераклигидан кўплар бир умрлик хулоса чиқариб олди.

— Биз, адашганлар кечирилиб, оиламизга қайтишга ишонч билдирилди, — дейди фарғоналик Муҳаммаджон Абдумаликов. — Енгил-елпи ҳаёт кечириш, ўтирлик, алдов йўли билан осон пул топиш катта жиноят, қабохат эканини англаб етдим. Бу ерда ўтган ҳар бир кун катта синов бўлди. Мен туфайли ота-онанинг юзи ерга қаради, шуларни ўйлаб туналарм йўқсуз ўтди. Минг шукрки, ёруғ кунларга етдим. Энди асло хатога йўл қўймайман, ота-онам юзини ёруғ қиламан, фарзандларим тарбиясига эътиборли бўламан, токи улар мен каби адашмасин. Тўғрилиқ, ҳалоллик йўлида яшаш учун берилган бу имконият ва ишонччи, албатта, оқлайман.

Афв этилган шахсларнинг эркин ҳаётга мослашиши учун барча имкониятлар тақдим этилмоқда. Бутун қилмиши нотўғри эканини англаб етган юртдошларимиз ўзига билдирилган ишончга яраша муносиб жавоб қайтариш, юрт тараққиёти, эл фаровонлигига ҳисса қўиш ҳаракатида, қундалиқ ҳаётимизнинг фаол аъзоларига айланмоқда.

Расулжон НАЗИРОВ, журналист

Ибрат

Бир кичикнинг, бир каттанинг гапига қулоқ сол, дейди халқимиз. Ҳа, баъзан ўзимиздан кичиклардан ҳам нимадир ўрганамиз. Андижонлик 30 ёшли Рўзихон Расулова билан самимий суҳбатимизда ҳам шундай бўлди.

ҚУЁШГА ТАЛПИНИБ ЯШАЁТГАНЛАР

СИНОВЛАРДАН МАРДОНА ЎТАЁТГАН АЁЛНИНГ ҲАЁТ ҲИКМАТИ



Қаҳрамонимиз саккиз йилда икки фарзанд билан ота уйига қайтиб келади. Ўша вақтда унинг соғлиғи ҳақимқада эди. Узоқ даволаниш натижасида ўзини тетик ҳис қила бошлагач, эндиги тақдирю икки фарзанднинг келажиги ҳақида ўйлари. Ёшлигидан бировга огирини солмаслиқча, ўзини ўзи эплашга ҳаракат қилган. Рўзихон ҳатто отасидан пул сўрашга тортинар, шунинг учунми, биронга хунарни ўрганиб, ўзи даромад топишни ният қиларди. Қизигади ирода, қатъиятни кўрган ота эса унинг юрист бўлишини истади, аммо бу тақдирда битилмаган экан.

У тумандаги ўқув марказида парда тикиш ва пазандаликни ўрганди. Қизиқиши кучли бўлгани боис, ҳаш-паш деғунча чаққонига тикувчиға айланди. Ана шу хунар ва доим олға интилиш энг огир дамларда Рўзихоннинг ҳаётига нур олиб кирди.

Қўргонтепа туманидаги “Бирлик” МФЙда яшайдиган қаҳрамонимиз “Ёшлар дафтери”га киритилгач, ҳаётдаги қувончли воқеа содир бўлди. Аввалги унга давлат томонидан ёшлар учун яратилаётган имкониятлар — имтиёзли кредит, субсидиядан унумли фойдаланиши мумкин экани тушунирилди.

— Тўғриси, ёшлар етакчиси субсидияга тикув машинаси олишим мумкинлигини айтганида, бу шунчаки бир гап, ҳеч қачон амалга ошмайдиган ишдек туолганди. Телефонимга “Ёшлар дафтери”га киритилдингиз”, деган хабар келганида ҳам замонавий тикув машинаси оламан деб ўйламадим, — дейди Рўзихон Расулова. — Ийонасизм, ҳокимлик биносига машиналар топириладиган пайтда ҳам менда умидсизлик бор эди. Яратганга шукрки, битта машина сўраганим, ҳам оверло ускунаси, ҳам 22 чокли тикув машинасини уйга олиб келиб, ўрнатиб беришди. Буларни кўриб бирдан кўнгалим ёришди. Бу ёғига иш қулолим соз, маълаққатим оз бўлишини ўйлаб, ниҳоятда хурсанд бўлдим. Оддий чок машинам бор эди. Лоақал оверло қиладиган машинам бўлганида ҳам меҳнатим чиройли кўринармиди, мижозларим янада кўпаярмиди деб ўйлардим ўша пайтларда.

Ота-онам катта бир хонани тикувчилик билан шугулланишим учун ажратиб берди. Танишибилшлар, қўни-қўшиларнинг хурсандлигини айтинг. “Жуда ҳам шинам ишхона бўлибди, ҳали ҳаммаси зўр бўлиб кетди”, деб ҳавас қилганлари

сари кучимга куч қўшилди, эртанги кунимга умид уйғонди. Маҳалладаги 5-6 нафар шоғирд қизлар билан ҳар кун бичиш-тикиш билан бандим.

Дарвоқе, Рўзихоннинг хорижда ишлаётган акалари унинг ўша ерда тикувчиликдан яхшигига даромад топишини айтган. Катта акаси ҳатто жияларининг ҳужжатларини хориждаги мактаб ва боғчага топириб, уларни синглиси билан бирга олиб кетиш учун Ўзбекистонга келган. Аммо синглиси кетишга кўнмади. Тинчгина ўзимизнинг юртда яшашга нима етсин, узоқнинг бугудийдан яқининг сомони яхши, деди. Ҳалол меҳнати ортидан ўқувчи ёшлар, қизларни ўзига эргаштираётганини маҳалла раиси ҳам кўриб, били турибди. Қаҳрамонимиз маҳалла идорасига кўчиб ўтиши, шоғирдлари сафини бундан-да кенгайтиришига қаршилиқ қилмади, албатта.

— Яқинда ёшлиқдаги орузм — ҳайдовчилик гувоҳномасини ҳам олдим, — деди ҳажжон билан Рўзихон. — Фарзандларим “Тикув машина олдингиз, ойижон, энди албатта минадиган машина ҳам олсиз-а? Ўзимизнинг уйимиз ҳам бўладими?” дейишди. Уларга, насиб қилса, албатта ўз уйимиз ҳам бўлишини айтман. Зеро, бутун ўқиб, изланиб, шу юрт учун қандайдир наф келтиришга бел болаган ҳар бир ёшга давлатимиз ёрдам бераётганига гувоҳ бўлиб турибман. Ёшлар етакчиси билан учрашувларда уларнинг фаолиятини кузатдим. Кўплаб савобли ишлар бўляпти. Айнақса, олий таълим олаётган, “Ёшлар дафтери”да рўйхатда турадиган йигит-қизларга ётоқхоналар бериш, шартнома пулини тўлашдаги ёрдамларидан хурсанд бўлдим. Буларнинг барчаси юртимизда ёшларга катта эътибор берилаётганидан далолат.

Мақоламиз аввалда айтганимиздек, ҳаётинда нолийверадиған бззз аёллар Рўзихоннинг хулоса тариқасидаги гапларидан руҳансалар ажаб эмас: “Тақдиримдан ҳеч қачон нолимайман. Ҳаётим ўхшамасди деб ич-этимини ейдиган бўлсам, фарзандларимнинг ҳоли нима кечадиги? Ҳеч ким онасини ғамгин, тушкун ҳолатда кўришни истамайди ахир. Барча болалар гўзал, соғлом ва ҳаётда ўз ўрнига эга онаси бўлишини хоҳлайди. Болаларим мени кўриб эзилмасин, аксинча, фахрлансин. Уларга тиргач, мадад бўлишим, яхши инсонлар қилиб тарбиялашим керак. Бунинг учун жамиятда ўз ўринини топиб, шу юртга керакли эканини ҳис қилиб яшашим шарт ва шундай қилияман”.

Рўзихонга юрист бўлиш насиб этмаган бўлса-да, у чекинамди. Жамиятга наф келтирадиган бошқа йўл топа олди. У тумандаги Жамоат саломатлик техникумида ўқияпти. Няяти оқ халат кийиб, элга хизмат қилиш. Тикувчилик эса унинг севибли машғулот, ҳаётига мазмун бағишлаган, қалбини орзуларга тўлдирган умрбоқий хунари сифатида қолаверади.

Бутун Рўзихон қатори эртанги кунга умиди уйғонган ёшларни барча туман, қишлоқларда учратиш мумкин. Бу каби ёшлар менга қуёшни келтиринг, деб дунёни бошига кўтармайдди. Балки олға интилиб, бўйи чўзиб, ўзлари қуёш билан юзлашади. Шу маънода, улар бир оз эътибор, жиндек туртки сабаб ўзини руҳлантира олаётган, метин иродали ёшлар бззз бир катта ёшдаги кишиларга ҳам ибрат бўла олади.

Муножат МЎМИНОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

ҒОЛИБЛИК, ҒАЛАБА ТҮЙҒУСИ ҚОНИМИЗДА БОР

Янги Ўзбекистон тарихининг чинакам ЯНГИ САҲИФАЛАРИ ОЧИЛДИ



Салим ДОНИЁРОВ

Бошланиши 1-бетда

Бошқа нуқтаи назар билан қараганда, ғалабага эришиш амалиёти ҳаминча мамлакатдаги тинчлик-тотувлик, барқарор тараққиёт ва маънавий-иқтисодий етуқликка боғлиқ экани ҳам аён ҳақиқат. Бонси, спортчининг, мураббийнинг онгости англамлари атрофдаги муҳитдан таъсир олади. Яъни жамиятдаги умуммиллий интилишдан кучланади. Умуммиллий интилиш эса, ўз навбатида, мамлакатдаги тараққиёт мезонлари билан бевосита боғлиқлик касб этади.

Халқимизнинг жисмоний ва маънавий салоҳиятига тўхталадиган бўлсак, бу ўринда кўз олдимизда жамиятимизнинг етти-саккиз йил бурунги манзарасидан тубдан фарқли ўлароқ, бугунги очиқ, тараққийга тўла бардам қиёфаси жонланади.

Осмон Ер юзининг ҳамма жойида назарга тушиб туради. Унинг маҳобати ғоят сирли. Юлдузлар, Күёш ва Ой, булутлар, чақмоқ, момақалдиқроқ каби ажойиботлар инсониятни тафаккур қилишга чорлайверади. Курран заминда ҳам улардан кам бўлмаган хайратлар объекти кўп. Масалан, тоғлар, уммонларни олайлик. Улардан тараққиятган руҳий ахборотлар баъзан инсон ақлини шошириб қўяди. Аммо одам авлодлари хайбатли тоғлар ва уммонлардан ҳам ўз манфаати учун фойдаланади. Демак, улар истифода қилиш учун мавжуд.

Худди шундай незматлар қаторида фаровон, бахтли яшаш, муносиб турмуш кечиришга барча халқлар ҳақлидир, бу уларнинг табиий ҳуқуқи. Бунга эса мамлакатдаги одилона бошқарув сиёсати билан эришилишини яхши биламиз. Спортчиларимизнинг кечаги тарихий ғалабалари замирида миллий ҳалқимизнинг жисмоний ва маънавий салоҳияти яққол намоён бўлаётгани ҳам бугун биз нақадар тўғри йўлда эканимизни англатади.

ДУНЁ ҚАЛБИДА УЙҒОНАЁТГАН “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН РУҲИ”

Биз авваллари ҳам — ҳаминча тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақаси — Олимпия, Паралимпия ўйинларида спортчиларимиз ғолиб бўлишини чин дилдан ният қилиб келганмиз, футболчиларимизни Олимпия майдонларида, мундиалларда кўришни орзу қилишдан тўхтаганимиз йўқ.

Бу орзу-ниятларимиз факат кейинги йиллардагина бирма-бир рўёбга чиқаётгани қувонарли, албатта. Аммо бу каби ютуқларимиз замиридаги муҳим асосларни ўйлашимиз, таҳлил қилиб, хулоса чиқаришимиз ҳам адолатдан бўлади.

Шундай экан, келинг, энди гап ўзинини ўша асосларга бурамиз.

Биринчи асос: Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида, у кишининг қатъий сиёсий иродаси билан Ўзбекистон дунёга кенг очилди. Ўз навбатида, дунё ҳам биз томон хайрихоҳ нигоҳ билан қарай бошлади.

Бу хусусда фахр билан гапирар эканмиз, дунё қалбида уйғонаётган “Янги Ўзбекистон руҳи” фалсафасининг ғалабали юришларимизга моҳиятан таъсири ҳақида айтиш жоиздир. Зеро, очиклик сиёсати, яқин-йироқ давлатлар билан ўзаро боғлиқликда ривожланиш концепциясининг ҳаётдаги ифодаси, айниқса, Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамжиҳатлик, қардошлиқ, дўстлик сиёсати халқимиз қаддини тиклади. Бугунги ҳаёти ва келажакка ишончини оширди.

Бу жиҳатлар спортчиларимизга ҳам қувват бағишлади. Энди улар ортида инсон қадри улугланадиган, дунёга самимий боқадиган Ватани, меҳрибон Президенти борлигини дилдан ҳис қила бошлади. Ва бу, ўз навбатида, танага куч-гайрат, дилга янги орзулар бўлиб синигиб бормоқда.

Иккинчи асос: миллимиз қон-қонидо мудраб ётган ютуқли қодлар уйғонипти, генофонддаги қувватлар тикланипти.

Бу ҳақда филология фанлари доктори, фольклоршунос олим Шомирза Турдимов “Янги Ўзбекистон” газетасида чоп этилган мақоласида, жумладан, шундай ёзади: “**Тасаввур қилинг, кичик дарага қатта сел келса нима бўлади? Бундай ўшан қатта оқимни уdda қила олайди. Ўшан дарё оқаверади, дегани шу. Миллатнинг генофондидаги қувват қатта ўзгаради, ўзгариб кетди. У мугайн вақтларда қуриб қолгандай, ўзгариб кетгандай кўринади. Лекин чархпалак айланиб, чўмичи яна сувга тўлиб чиққани каби миллат ҳам юксалиш палласини такрорлайди. Ўша чархпалак текис айлангани учун ташқи таъсирлар унга ҳалал бермаслиги керак. Яъни миллат ўзгариши қайтиши учун қулай шароит ҳам муҳим.**”

Ҳа, тасаввур қилимиз: кейинги йилларда мамлакатимизда миллимиз ўзгаришига қайтиши, ўзини топиши ва англаши учун жуда муҳим саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Бу ҳар бир соҳадаги янгиланишларда, халқ билан мулоқот сиёсати йўлга қўйилганида ўз сўзини айтмоқда.

Учинчи асос: ҳар бир юртдошимиз қалбида миллий фахрланиш ва Ватанга дахлдорлик ҳисси уलगя бошлади.

Бир мақоламизда миллий ўзлик ва миллий гуруҳ иқтидори ҳақида сўз бошлаб, бундай иқтидор қачон пайдо бўлиши ва такомилга етиши ботида мулоҳаза юритган эдик. Аслида, бу ҳис-туйғу қон суради. Яъни шажаравий хусусиятга эга. Сўнг тарбиявий аҳамият касб этади. Шажаравий хусусияти аждодлар феълидаги хусусиятлар, ҳиссиётлар кўчиб юради. Фақатгина у сулғашини ёки аксинча, ғафлашсини мумкин.

НОЁБ АМАЛИЁТ ҚУВВАТИ

Спортчиларимизга тарихий зафарлар йўлида руҳий, маънавий ва жисмоний қувват бағишлаб турган яна бир муҳим асос борки, унга бугун алоҳида фахр билан тўхталishi ўринли бўлади.

Бу Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олимпия ва Паралимпия ўйинларида спортчиларимизни ўз эътибори билан алоҳида қўллаб-қувватлаб тургани, телефон орқали суҳбатлашиб, ҳар бир ютуғини эътироф этгани, қалбида ватанпарварлик руҳини чўғлантирганидир.

Давлатимиз раҳбарининг ҳар сафар ғолиб спортчиларимиз билан телефон орқали мулоқотидан кейин қалбимизда алоҳида гуруҳ, фахр-ифтихор ҳиссини туйганимиз алоҳида мавзу, аслида. Чунки бугунгидай ғоят таҳликали замонда, халқаро майдонларда сиёсий, ғоввий қарама-қаршиликлар авж олган бир шароитда ўта муҳим давлат ишларидан ортиб, Париж спорт майдонларида ўзини намоён этаётган спортчиларимизнинг чиқишларини кузатиб бориш, сўнг уларнинг ҳар бири билан алоҳида-алоҳида телефон орқали суҳбатлашиб, аслида — **КАТТА ҲОДИСА**. Ўз навбатида, мамлакатимизнинг сиёсий қуввати юксалаётганидан ҳам дарак беради.

Катта ҳодисалиги моҳияти шундаки, аввало, давлат раҳбарининг спортчилар билан бевосита мулоқот қилиши дунё тақрибисидо ноёб амалиёт саналади. Энди бир ўйлаб кўрайлик, Президентимиз музаффар спортчиларимизнинг ҳар бири билан гаплашганда, “**болам**”, “**фарзандим**”, “**ўғлим**”, “**қизим**”, дея уларга жуда улкан мотивация берди, ҳар биридан ҳол-аҳвол сўраб, ота-оналарига ўз раҳматларини айтди.

Бундай вазиятда қалбда шижоат, Ватанга бўлган меҳр, ғалабага интилиш ҳисси беихтиёр киши вужудини эгаллаб олади ва унда кучланиш қодлари уйғонади. Париждаги Олимпия ва Паралимпия ўйинларида спортчиларимиз эришган ғалабаларга давлатимиз раҳбарининг спортчилар билан суҳбатлари ҳам муҳим асос бўлганига бугун барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

Сиёсий қувватимиз юксалаётганидан дарак эса мамлакатимизда халқ билан ана шундай олий даражадаги бевосита мулоқотлар йўлга қўйилганидир. Чунки одамлар узоқ йиллар ўз муаммолари билан ёлғиз яшаб келди. Уларнинг дарадини эшитар раҳбар бўлмади, масалаларга ечим топиш ҳақида қайғурилмади. Янги Ўзбекистонда ўзгармасдек туюлган бу нохуш аънанга барҳам берилди. Мамлакатда эркинлик муҳити яратилди. Одамлар муаммоларини айта бошлади, бугун уларнинг фикри билан ҳисоблашилмоқда. Буларнинг барчаси жамулжам бўлиб, мамлакатнинг том маънодаги сиёсий карьерасини белгилаб бермоқда.

Бугун Ўзбекистон халқида ўз азиз юрти, миллати, барча жабҳадаги юксалишлардан гуруҳланиш ҳоли пайдо бўлган. Шунданки, икки ойдики Париж майдонларида байроғимиз хилпираб, ўзбек дўпписи миллатимиз вакилларига ярашиб турди.

Шу ўринда Ислон дунёси таълим, фан ва маданият ташкилоти (ICESCO) Бош директори Салим бин Муҳаммад ал-Маликнинг ўзбек заминидо билимга чанқоқ, тинчликка интилуви халқ яшаш, улар маърифатпарвар халқлар орасида муносиб ўрин эгаллашини азалдан исботлаб келгани ҳақидаги фикрларини яна бир бор эсласак. “**Ўзбекистон раҳбари, муҳтарам Президент Шавкат Мирзиёев**

Жаноби Олийларининг жамиятда таълим ва илм-фаннинг ролини ошириш, маданиятни асраб-авайлаш ва юксалтиришга қаратилган саъй-ҳаракатлари ва ташаббусларини Аллоҳ таоло барокатли қилсин”, деган эди у жорий йил июнь ойида Зоминда бўлиб ўтган Халқаро мақом санъати анжуманида.

Бу эътирофини қайта эслаганимиз боиси шундаки, мамлакатимиздаги ислохотлар тизимли кўриниш олиб, маънавий-маърифий, иқтисодий, умуман, барча соҳадаги янгиланишлар уйғунлашиб, бир-бирини тўлдириб, пировардида яхлит ютуқларимиз самарадорлигини таъминлаб бормоқда.

ДУНЁНИНГ ОЧИҚ КЎЗЛАРИДАГИ ҲАВАС

Энди яна бевосита XVII ёзги Паралимпия ўйинларида спортчиларимиз эришган тарихий ғалабалар қувончига қайтсак.

Олимпия ва Паралимпия ўйинларида спортчиларимиз дунё мамлакатлари ўртасида 13-ўринни эгаллади. Улар бир қатор рекордларни янгиллади, тўрт йилда бир марта бўлиб ўтадиган, бутун дунё нигоҳи қаратилган, инсоният катта ҳаяжон, зўр қизиқиш билан кузатиб борадиган мусобақадаги рақамларини ўзгартириб юборди.

Шу кунларда шоирларимиз олтин авлод — музаффар спортчиларимиз эришган натижалардан руҳланиб, илҳомланиб шеърлар, қасидалар битмоқда. Бу ижод намуналарининг ҳар бири мамлакатимиз ёшлари, азиз ўғил-қизларимизни ҳам янги ютуқли марралар сари ҳаприқтириб турган бўлса, не ажаб.

Қолаверса, паралимпиячиларимизни қизгин қўллаб-қувватлаш учун Парижга борган кўп сонли муҳлислар, мутасадди раҳбарларимизнинг ўрнини ҳам алоҳида эътироф этиш жоиз. Бонси, ҳар бир олқиш, ғалаба сари руҳлантириш спортда жуда муҳим. Шунингдек, давлатимиз томонидан делегациямиз учун барча зарур шароитлар яратиб берилгани тарихий ғалабаларимизга замин бўлгани ҳам кундек равшан.

Дарвоқе, муҳлислар ҳақида айтганда, **Паралимпия ўйинлари давом этаётган кунларда ижтимоий тармоқларда ўзбекистонлик жонкуяр бир юртдошимиз чет эллик томошабинлар бошига ўйнаб-ўйнаб ўзбек дўпписини кийдириб юргани акс этган контент кенг тарқалди**. Уни кўриб ҳаёлга яна бир фикр келди. Мана бир неча йилдики, юртдошларимиз хоҳ велосипедда, хоҳ автомобилда, самолёт ёки поездда, хоҳ пиёда бўлсин, бошга дўппи кўндириб, байроғимизни елкасига ёпиб, Ўзбекистонни, ўзбек элини барчага танитиш учун дунё бўйлаб йўлга чиқаётгани гувоҳи бўлиб турибмиз. Бу манзарани бир сўз билан таъриф берадиган бўлсак: **ЎЗБЕК КЕЛАЁТИ!**

Нафас олиб кириб келган тонгда буюқ ҳикматлар бўлади. Фақат бу ҳикматларни англаш фурсатини қўлдан бой бермаслик муҳим. Шу бонси, мақоламиз аввалини инсон туғилиши, онги, фикрлаш уҳдаси, ҳис-туйғулари билан қудратли мўъжиза экани ҳақидаги мулоҳаза билан бошлаган эдик. Яна биз англамлар ҳақиқати ва неқбинлик ҳақида ҳам савол қўйгандик.

Олимпия ва Паралимпия ўйинларида спортчиларимиз дунё мамлакатлари ўртасида 13-ўринни эгаллади. Улар бир қатор рекордларни янгиллади, тўрт йилда бир марта бўлиб ўтадиган, бутун дунё нигоҳи қаратилган, инсоният катта ҳаяжон, зўр қизиқиш билан кузатиб борадиган мусобақадаги рақамларни ўзгартириб юборди.

Бунга жавобан айтишимиз мумкинки, дунёга яхшилик соғинаётган ва спортчиларимиздек ўзининг ажойиб натижалари билан ҳаммага бирдек қувонч улашаётган, ғалабалар сурурини ўз Ватани шарофига бағишлаётган катта элимиз ютуқлари сири, аввало, умрнинг ҳар лаҳзасини қадрлашимиз, фурсатлар ганимат эканини англаб етганимиз эмасми?!

Мана шу ҳолатнинг натижаси ҳам тотли бўлади. Демократизм, Париждаги ғалабаларимизнинг миллий давлатчилигимиз ривожига янада шижоат бағишлайдиган жиҳатлари бор.

Биринчидан, ғалабалар халқни руҳлантиради.

Иккинчидан, жамиятда аҳиллик ҳиссини мустаҳкамлаб, юртдошларимизни бириштиради.

Учинчидан, мамлакатда ёшлик шижоати ва куч-гайрат муҳитини юксалтиради.

Шу ўринда яна бир мулоҳазани айтмасак бўлмас. Тўғри, паралимпиячи спортчиларимизнинг жисмоний имкониятлари чекланган ёки кўрини қобилияти оқиздир, аммо улар бутун дунёнинг очиқ кўзларини ўзига қарата олди. Уларни дунё аҳли томоша қилди, қўрди, ҳавасланди.

Бир сўз билан айтганда, “Париж — 2024” мусобақаларида бизнинг спортчиларимиз дунё каҳкашонига ўзбек миллати, темурийлар, бобурийлар авлодлари келаётгани, улар кўп ишларга қодирлигини, Президентимиз саъй-ҳаракатлари билан Марказий Осиё минтақасида бирдамлик, ҳамжиҳатлик, азалий қардошлиқ муҳити қарор топганини баралла кўрсатди. Спорт ана шу жиҳатлари билан ҳам завқли ва аҳамиятлидир.

Ишонамизки, Париж натижалари биз учун марра эмас. Вақт мусоада этса, ҳали бундан-да муҳим ғалабаларга эришамиз. Энг муҳими, машаққатли довондан ўтиб олдик. Биз кўзлаган Учинчи Ренессанс ҳодисасининг мана шундай ёрқин муждалари барчамизга муборак бўлсин!

2024 йил 10 сентябрь, 183-сон



Долзарб мавзу

Бир неча танишларим пластик карталарига ойлик маоши тушиши билан пулни кредит тўлови учун ўтказиб юборади. Ўзи ўтказмаса, банк автоматик равишда ечиб олади. Деярли ҳар ой шу ҳолат такрорланади. Айримлари эса яшаб турган хонадонни ипотека кредитига олингани ва ҳар ой тўлов қилаётгани, яна бирлари шундай имконият бўлмаганида ҳали ҳам ижарага фалон пулдан тўлов қилиб юрган бўлишини айтиб шукр қилади.

Ҳозир кимдир яшаш учун, кимдир фарзандларига деб, бошқа биров эса ижарачи қўйиб, қўшимча даромад топиш мақсадида бир нечта хонадон сотиб олаётгани одатий ҳолга айланди. Суриштирсангиз, хонадонларнинг бири бўлмаса бири ипотека кредити асосида қилинган. Уйнинг бошланғич тўловини тўлайди-да, қолганини ойлик маошидан ойма-ой қоплаб боради. 10-15 ёки 20 йилга ажратилаётган ипотека кредитлари энди одамлар учун расмийлаштириш азоб бўлган ёки катта фоиз тўланадиган ваҳимали хатар эмас, балки хонадон сотиб олишнинг қулай усулига, бошқача айтганда, сиздан угина-биздан бугина қабилидаги ҳамкорликка айланди.

Марказий банк томонидан жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги бўйича эълон қилинган ипотека кредитлари шарҳида ҳам бу ўз аксини топган. Унда келтирилишича, дастлабки ярим йилликда тижорат банклари томонидан оз эмас, кўп эмас — 26 минг фуқарога умумий қиймати 6,9 триллион сўм миқдордаги ипотека кредитлари ажратилган. Ушбу даврдаги кредитлар қолдиги эса 61,8 триллионга етиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 21 фоизга ўсган.

— Худудлар кесимида ажратилган ипотека кредитларининг энг юқори улуши Тошкент шаҳри, Самарқанд, Фарғона вилоятлари, нисбатан камроқ улуши эса Сирдарё ва Жиззахда истиқомат қилувчи фуқаролар ҳиссасига тўғри келмоқда, — дея изоҳлайди Марказий банкнинг Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида тижорат банклари фаолиятини мониторинг қилиш департаменти бошқарма бошлиғи Нодир Комилов. — Бу, албатта, турли омиллар, мавжуд талаб ва эҳтиёж билан боғлиқ. Молиявий томонларига келсак, аҳолининг ипотека кредитларига бўлган талабини қондиришга турли манбалар йўналтириляпти. Хусусан, жорий йил ярим йилликда ажратилган ипотека кредитлари ресурс манбаларининг 53,3 фоизи марказлашган маблағлар, 34,4 фоизи тижорат банкларининг ўз маблағлари, 12,3 фоизи эса компания маблағлари ҳисобидан берилган. Бунда марказлашган ресурслар ҳисобидан ажратилган ипотека кредитлари улуши камайиб, тижорат банклариники эса ошиб бораётганини кузатиш мумкин. Мазкур кўрсаткич 2023-2022 йилларнинг мос даврига нисбатан 5 фоиз ҳамда 13 фоиз бандга ортган. Ушбу таркибий ўзгариш тенденциясини аҳолининг ипотека кредитлари орқали уй-жой сотиб олишда босқичма-босқич давлат иштирокчини камайтириб, молиялаштиришнинг бозор механизмига устуворлик берилаётгани билан изоҳлаш мумкин ва бу ижобий кўрсаткич.

ТАКЛИФГА ЯРАША ТАЛАБ БОРМИ?

Йигирма йилга кредит олиш ҳақида гап кетса, ақсариёtimиз шунча йил давомида ойма-ой давлатга пул тўлашдан ўзимизни олиб қочардик. Атрофимизда бир нечтаси шундай йўл билан уй олиб, ижарага бехуда пул тўлашдан

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

қўтилгани, энди ойлик тўловни кредитга сарф қилаётган бўлса ҳам, ҳар ҳолда ўзига қоладиган уйга тўлаётганини қўриб, бу борада фикрлар ўзгаргани ҳам бор гап. Ипотека кредити орқали қўшимча хонадон олиб, унинг ижара пулидан ойлик кредит тўловини қоплаётган-



лар эса қизқиқчимизни янада оширди. Амаллаб бошлангич тўловни топса, кредитни олиш ҳам аввалгидек азоб эмаслиги кўпчиликка мойдек ёқиб тушди. Йигирма йил давомида уйнинг пулига қўшиб кредит фоизини ҳам тўлашимизни билсак-да, инфляция ҳисобига бу ўзини қоплаши, йиллаб пул йиққунча, ундан кўпроқ зарар кўришимизни ҳам хомчўтлаб олдик. Хуллас, охири-оқибат, ипотека кредити олиш анча қулай деган хулосага келдик.

Балки шунинг учун охириги йилларда юртимизда ипотека кредитига талаб кескин ортган-дир? Албатта, асосий сабаблардан бири

шунга очилган имконият натижаси. Аммо масаланинг бошқа омиллари ҳам бор. Бу уй-жойга бўлган талабнинг кун сайин ортиб бораётгани билан боғлиқ.

Ўзбек халқида демографик ўсиш доим юқори бўлган. Бирок кейинги йилларда бу тенденция янада жадаллашди. Бир неча йил олдин мамлакатимиз аҳолиси сони 33 миллиондан ошди деб юрардик. Жорий йил 1 июль ҳолатига кўра, 37,1 миллион кишига етди. Халқаро валюта фонди таҳлилларига кўра, 2029 йилгача Ўзбекистонда доимий аҳоли сони 41 миллион нафарга етиши тахмин қилиняпти.

Шунга яраша қурилиш ишлари ҳам йил сайин кенгайиб борапти. Чунки бозорда талаб бор. Кўпчилик бу талабнинг реал эканига, ҳар бир худудда қурилаётган юзлаб, минглаб хонадонли кўп қаватли уйлар, кичик майдонли хонадонларнинг ҳаммаси ҳам сотилаётганига шубҳа қилиши мумкин. Бир сафар ўзим ҳам қизқиқиб, янги қурилаётган уй-жойларга кўнгирок қилиб чиқдим. Ишонсангиз, ақсариёtimнинг ҳали қуриб битказилмасидан ўз эгалари бор, яъни одамлар сотиб олган. Юқорида таъкидлаганимиздек, бир эмас, бир нечта хонадон харид қилиш одатий ҳолга айланиб қолди. Бу ўзини қанчалик оқлайди ёки бозорда уй-жойга бўлган талаб ҳамда нарх-наво ошишига сабаб бўлиши бошқа масала. Ҳозир гап уй-жой харид қилиш имкониятлари кенгайгани ҳақида борапти.

Авалло, аҳоли эҳтиёжини қондириш учун қурилишлар қўлами ортмоқда. Биргина жорий йилнинг олти ойида мамлакатимизда 79,8 триллион сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 10 фоизга, фойдаланишга топширилган хонадонлар сони эса 2,6 баробар ошган. Қизиги, сўнгги 7 йил ва жорий йил 6 ойида юртимизда тузилган никоҳлар сони фойдаланишга топширилган хонадонлар сонидан

миз. Мутахассиснинг таъкидлашича, БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси ўз таҳлилларида Ўзбекистон кўчмас мулк бозорига барқарор мувозанатни шакллантириш учун 2015-2025 йиллар давомида ҳар йили ўртача 150 мингта квартира қурилиши лозимлигини қайд этган. Бироқ 2015-2023 йилларда фойдаланишга топширилган хонадонларнинг умумий сони 821,2 мингта (йиллик ўртача 91,2 мингта)ни ташкил этиб, тақлиф потенциалли мавжуд талаб дара-

еспубликада амалдаги ўртача номинал ойлик иш ҳақидан, 4,4 минг қарз олувчилар эса аҳоли жон бошига умумий даромадлардан кўп миқдордаги тўловларни амалга ошириб келмоқда. Шу билан бирга, ипотека кредити мавжуд фуқароларнинг юқори ойлик тўловчилари категориялари улушида ўсиш тенденцияси давом этаётганини кўриш мумкин. Хусусан, ўтган олти ойда 2 миллион, 5-7 ва 7 миллион сўмдан юқори миқдордаги ойлик



жасидан сезиларли даражада ортда қолган. Ўз вақтида қопланмаган уй-жойга бўлган умумий талаб келтуси йилларда кўчмас мулк бозорига фаолиятининг кейинги циклини шакллантиради.

НАРХЛАР ВА ДАРОМАДЛАР НОМУТАНОСИБЛИГИ

Уй-жойга талаб ўсишида давом этади. Уларни харид қилиш имкониятлари-чи? Қолаверса, кредит олангандан кейин уни тўлаш мажбуриятлари, деган талаб бор. Ахир ораимизда оладиган маошининг тўртдан уч қисmini кредит қарздорлигига тўлаётганлар ҳам йўқ эмас.

— Тўғри таъкидладигингиз, ипотека кредитини олиш бир масала бўлса, унинг тўлов қобилиятига эга бўлиш алоҳида масала. Яъни ипотека қарздорлиги одамларга юк бўлиб тушиши эмас, балки қулайлик яратиши лозим, — дейди Нодир Комилов. — Шу каби омилларни инобатга олиб, Марказий банк бошқаруви жорий йил 1 июлидан бошлаб тижорат банкларининг аҳолига кредит ажратишда қарз юқини ҳисобга олиши талабини белгиланган. Бунда барча кредитларни беришда кредитдорлар ўз мижозларининг қарз юки 60 фоиздан ошмаслигини, 2025 йил 1 январдан эса бу кўрсаткич 50 фоизгача қисқартирилишини таъминлашни зарур. Қарз юки кўрсаткичи — бу қарз олувчи ўртача оила-даридамининг солиқлар чегириб ташилгандан кейин барча кредитлари ва қарзлари бўйича шартнома тўловларини амалга ошириш учун зарур бўлган улуши ҳисобланади. Яъни талабгорнинг ойлик маоши оладиган кредитини тўлашга мутаносиблиги аниқланади. Жорий йилнинг дастлабки ярим йиллиги таҳлилларига кўра, ипотека кредитлари мавжуд 38,2 минг фуқаронинг кредитлари бўйича ўртача ойлик тўловлари миқдори

тўловчи қарз олувчилар сони ортган, қуйи миқдордаги ойлик тўловларни амалга оширувчи фуқаролар улушида эса камайиш қайд этилган. Мазкур ҳолат ушбу фуқароларнинг қўшимча норасмий даромадга эгалиги билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин.

Шу даврда фуқароларнинг ажратилган ипотека кредитлари бўйича ўртача ойлик тўловлари миқдори ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 16 фоизга ошгани ҳам рост. Уй-жойга бўлган умумий талаб тақлиф потенциалидан кўп ва нархлар аҳоли даромадларига нисбатан номуноташиб шаклланган худудлар орасида Тошкент шаҳри, Наманган ва Фарғона вилоятлари етакчилик қилляпти. Мазкур худудларда ипотека кредитлари бўйича ойлик тўловлар миқдори бошқа жойларга қараганда тезроқ ўсгани кўринади.

Яна бир томони, жорий йил 1 июль ҳолатига кўра, 20 йилгача муддатга ажратилган ипотека кредитларининг ипотека кредити портфелидаги улуши ўтган йил кўрсаткичларига нисбатан 2,5 фоизга камайган бўлса, 10 йил ва 15 йилгача муддатга ажратилган ипотека кредитлари улуши мос равишда 1,9 фоиз ҳамда 6 фоизга кўпайган. Мутахассислар мазкур таркибий ўзгаришни банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан ажратилаётган ипотека кредитлари орқали асосан иккиламчи бозордан уй-жой сотиб олишга бўлган талабнинг ошиб бораётгани билан изоҳламоқда.

ФОИЗЛАРНИ ЧЎНТАК КЎТАРАДИМИ?!

Ипотека кредити олишни режалаштираётган ёки аллақачон шундай кредит олиб, ҳар ойлик тўловни амалга ошираётган кишилар кўпинча фойзаларни

кузатиб боради. Кредит фоизининг энг кичик миқдорда ўсиши ҳам ҳар ойлик тўловларнинг сезиларли ошишига олиб келади. Шу боис, жорий йилнинг 25 июль куни Марказий банк бошқаруви асосий ставкани 0,5 фоиз бандга пасайтириб, йиллик 13,5 фоиз даражасида белгиланган тўғрисидаги қарорни қабул қилганида одамлар кредитлар фоизлари тушишидан ҳам умид қилди. 2017 йил июнь ойидан буён ўзгаришсиз сақланиб келаётган 14 фоизлик ставканинг ярим фоизга туширилиши катта воқеалик эди. Чиндан ҳам юртдошларимиз кутганидек бўлди ва Марказий банк томонидан белгиланган ипотека кредити фоизлари амалдаги 18 фоиздан 17,5 фоизга туширилди.

— Бу кредитлар фоизларининг оширилганидан кўра яхшироқ, — дейди фуқаро Нарғиза Маҳмамова. — Уйимизни 20 йиллик ипотека кредити асосида олганмиз. Тўловларни ҳар ойлик маошимдан тўлаб бораман. Биз анча олдин имтиёзли фоиз ставкасида кредит олганмиз, шунга қарамай, ставканинг пасайиши бизнинг тўловларимизга ҳам таъсир қилди. Ойлик кредит тўлови озгина пасайди. Шу ҳам оиламиз бюджетига фойда, ҳарна-да!

Таҳлилларга кўра, кўчмас мулк бозорига уй-жойларнинг харид мақсадлари дастлабки эҳтиёжни қоплашдан фойда олишга ўзгариши ортиб бормоқда. 2017 йилда ипотека кредитлари орқали икки ва ундан кўп марта уй-жой сотиб олган фуқароларнинг ушбу даврда ажратилган жами ипотека кредитлари сонидagi улуши 3,7 фоиздан 2024 йил биринчи ярим йиллигида 6,5 фоизгача ошган. Ушбу ипотека кредитларининг ўсиш тенденцияси асосан банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан ажратиладиган ипотека кредитлари орқали юзага келмоқда. Бу борада тенгликни таъминлаш ҳамда бюджет маблағлари ҳисобидан ажратиладиган ипотека кредитлари орқали уй-жой сотиб олишга эҳтиёжманд аҳоли қатламини кенгроқ қамраб олиш муҳим масалалардан бири. Шу боис, Президентимизнинг жорий йил 30 апрелдаги “2024 йилда ипотека кредитларини ажратиш механизмларини тақомиллаштириш ва аҳолининг уй-жой шaroитларини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони билан шу йил 1 майдан бошлаб республика бюджетни маблағлари ҳисобидан ажратиладиган ипотека кредитлари аввал мазкур турдаги ипотека кредитларидан фойдаланмаган шахсларга ажратилиши тартиби белгиланди.

Умуман, истаги бўлса, имконияти етса ипотека кредити олишга барча бирдек ҳақли. Ҳатто норасмий даромадга эга жисмоний шахсларга ҳам ипотека кредити ажратиш йўлга қўйилганининг босиси шунда. Жорий йилнинг олти ойида ажратилган ипотека кредитларининг 22 фоизи шундай фуқароларга йўналтирилган. Мазкур йўналишдаги қамров чиндан ошиб борапти. Рақамларга эмас, атрофимизга қарашимизнинг ўзи етарли, танишларимиздан ҳеч бўлмаганда биттаси ипотека кредити асосида уй-жой олганини кўрамиз.

— Бу борадаги талаб келтуси йилларда ҳам иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари билан боғлиқ ҳолда ошшида давом этади, — дейди Нодир Комилов. — Масалан, дастлабки олти ойнинг ўзига мамлакатимиз ялпи ички маҳсулот ҳажми 6,4 фоизга, асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми эса ўтган йилга нисбатан 36,6 фоизга юқорилади. Халқаро валюта фонди прогнозларига кўра, ЯИМ ўсиши йил якунида олдинги йилга нисбатан 5,4 фоизга, 2025 йилда эса 5,5 фоизга ўсиши кутилмоқда. Мазкур ўсиш кўрсаткичлари уй-жой бозорига тақлиф потенциалли кенгайтириш билан бир қаторда аҳолининг харид қобилиятини оширишга хизмат қилади. Тақлиф ҳам шунга мос тарзда ортиб боради.

Умуман, ипотека кредитлари ажратишда аҳолини қўллаб-қувватлашга устуворлик бериш мақсад қилинган. Жорий йил ипотека дастури доирасида ҳам даромадли ва уй-жой шaroитларини яхшилашга муҳтож бўлган жами 27 минг фуқарога ипотека кредитлари бўйича субсидия маблағлари ажратилиши белгилангани ҳам шу ишларнинг бир қисми. 2024 йил якунига қадар фойдаланишга топширилаётган уй-жойлар сонининг сезиларли ошиши субсидия хабарномасига эга фуқаролар томонидан квартиралар сотиб олишда танлов имкониятларини кенгайтириши ҳам кутилмоқда.



Орамиздаги одамлар

“ШУ ЮРТДАН МЕХР ТОПДИМ”

Юрт нурунийларига ўғил, бошқаларга дўст-биродар, ака-ука сифатида танилган россиялик инвестор Магомед Костоев кулоллар юрти Риштондан кўним топганига 17 йил бўлди. Ўзбек тилида бемалол сўзлаша олади. Тўю томоша, қувончли ва қайғули дамларда эл билан доим елкадош.

2007-йилларда туманда ягона бўлган йигирув корхонаси банкрот ёқасига келиб қолди, жиҳозлар талон-тарож қилинди, иш ўринлари қисқарди. Корхонани қайта тиклаш, фаолиятини йўлга қўйиш учун сармоя керак эди. Бу ишга россиялик Магомед Костоев бел боғлади. Ип-Йигирув корхонаси базасида “Rusuzbekteks” хорижий корхонасига асос солди.

Корхона фаолияти тикланиб, пахта хомашёсидан ип йигириш йўлга қўйилди, 500 та иш ўрни яратилди. 2018 йилда корхона ҳаётида янги давр бошланди. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 январдаги “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг замонавий шакллари жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, “Rusuzbekteks” хорижий корхонаси хузурида

Фарғона вилоятида ягона бўлган пахта-тўқимачилик кластерига асос солинди.

— Ўша кезларда тумандаги умумий пахта ҳосилдорлиги гектарига ўртача 20-22 центнерни ташкил қиларди, — дея хотирлайди Магомед Костоев. — Ишни ер бонитети, тупроқ тузилиши ва таркибини ўрганишдан бошлаганимиз. Сувга эҳтиёжи катта, шўрланган, ўғитта муҳтож ерлар ҳақидаги маълумотлар харитаси тайёрланди. Ерининг устки қисми ҳамда 10-20 метр чуқуриликдан тупроқ намуналари олиниб, атрофлик таҳлил қилинди. Ўрганиш натижалари, мутахассислар фикр ва хулосаларига асосланиб, ер, иқлим шарoитига мос серхосил, эрталашув навли чигит қўлалди. Экин парвариши билан боғлиқ агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга оширдик, керакли техника, минерал ўғитларини дала бошига етказиб бердик. Ҳаракатларимиз самара берди. Дастлабки йилнинг ўзига ҳосилдорлик гектарига 30 центнердан ошди. Бу ўша пайт учун жуда юқори кўрсаткич эди.

Янги тизим деҳқонлар манфаатдорлигини оширди. Йиллар давомида юзага келган эскича иш тизими — буйруқбозлик, қогозбозлик,

таниш-билишчиликлар барҳам топди. Фермер ҳосил етиштиришда ҳеч нарсасга эҳтиёжи сезмади. Ишчи-хизматчилар ўз вақтида ойлик маош билан таъминлаб турилиди. Экин ривож мутахассислар томонидан назоратга олинган. Шу қунига қадар юқори ҳосил олган пахтачилик фермер хўжалиқларига 12 та енгил автомашина рағбат тариқасида тўхфа қилинди. Илгор теримчилар, мутахассислар моддий ва маънавий рағбатлантириб боришмоқда.

— Магомед биз билан яқин ҳамкор, ҳар бир ишни ўзаро маслаҳатлашиб қилади. Меҳнаткаш, янгиллик ва ташаббусларни қўллаб-қувватловчи дўст сифатида меҳримизни қозонган, — дейди “Феруза-Ихтиёр” фермер хўжалиғи раҳбари Элёрбек Акбаров. — Ўтган мавсумда 43 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 48 центнердан ҳосил олдик, бир миллирд сўмга яқин даромад кўтардик, янги техникалар харид қилдик. Бу йилги ҳосил қўғи ҳам чакки эмас.

Пахта етиштириш ҳажми йилдан йилга ортиб бормоқда. Ўтган йили ҳосилдорлик ўрта ҳисобда 39,4 центнерга етди. Бу аввалги йилларга қиёсланганда 10 центнер кўп.

Корхона фаолияти кенгайиб бориши ҳисобига янги “Kosto Line Holding” корхонасига асос солинди. Бу ерда пахта хомашёсини чуқур қайта ишлаш, қўшимча қийматга эга маҳсулот тайёрлаш ва экспорт қилиш йўналишида янги лойиҳалар ишга туширилди. Умумий қиймати 32 миллион евро бўлган лойиҳа олдий хошмёдан қўшимча қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятини берди. Йиллик қуввати 20 минг тоннадан ортиқ ип-калава, мато, момик сочик, ётоқхона чойшаблари ишлаб чиқариш тармоқларини ишга туширилди. Германия, Италия, Туркия, Франциядан келтирилган юқори технология ускуналарни 600 дан ортиқ маҳаллий ёш маҳорат билан бошқармоқда. Янги тармоқ фаолияти туфайли ишлаб чиқаришдаги йиллик экспорт улуши 30 миллион доллардан ошди.

— Ўзбекистон имкониятлар ўлкаси сифатида дунёга танилди, — дейди корхона раҳбари. — Президент тadbиркор ва инвесторларнинг яқин кўмакчиси, қўллаб-қувватловчиси сифатида ислохотларга раҳбарлик қилмоқда, шарт-шaroитлар яратиб бериляпти.

ти. Бундан куч-қувват оляпмиз, янги режалар устида ишлаймиз. Айни кунда 90 миллион евро инвестиция қилишти ҳисобига нотўқима матолар йўналишида иш бошладик. Бу ерда 17 минг тонна биологик парчаланадиган нотўқима матолар тайёрланади. Жаҳон бозорига бу маҳсулотга талаб жуда юқори. Биологик парчаланадиган хомашё табиати муҳофаза қилишда муҳим аҳамиятга эга. Ундан болалар тагликлари, турли гигиеник воситалар, косметик ва нам сочлиқлар, тиббиётда дока ўрнида ишлатиладиган маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Ўзбекистоннинг шиддатли иқтисодий ҳаётида фаол иштирок этиб келаётган хорижлик инвесторнинг меҳнат ва изланишлари бесамак кетгани йўқ. Яқинда “Kosto Line Holding” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси Магомед Костоев “Дўстлик” ордени билан тақдирланди.

— Муқофотланган кунда хорижда сафарда эдим. Хушхабарнинг қаноти бор, деганлари рост экан. Ўзбекистон, риштонлик қадрдонларим йўллаган табрик ва қутловлардан бошим осмонга етди. Шу юрда меҳр топдим, меҳр кўрсатганимга севиндим, — дейди Магомед фахр билан. — Эътибор ва эътирофдан руҳландим, куч-қувват олдим. Ичти-то-тув, барча шарт-шaroитлар мукжасан юрда яшаш, ишлашининг завқи бошқача бўларкан. Ҳаммаси учун катта раҳмат.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Ислохотлар амалда

ТОҒЛИКЛАРНИНГ АЗАЛИЙ ОРЗУСИ УШАЛДИ

Президентимиз 4 сентябрь куни соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинини такомиллаштириш ҳамда тиббий сугурта механизмларини жорий этиш чора-тадбирлари бўйича тақдимот билан танишди. Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, касалликларни эрта аниқлаш ва даволашда бирламчи бўғин жуда муҳим. Шунинг учун давлатимиз раҳбари бу йўналишдаги ислохотларни халқимизнинг, айниқса, олис ҳудудлардаги аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини чуқур ўрганган ҳолда босқичма-босқич амалга ошириш зарурлигини таъкидлади.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда тиббиёт соҳаси тубдан ислоҳ қилинди. Бирламчи бўғинни касалликларни эрта аниқлайдиган ва даволайдиган тизимга айлантириш, тиббий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш, тиббиёт ходимларининг билим ва малакасини оширишга катта эътибор қаратишмоқда. Бундан ташқари, пойтахтимиздан тортиб юртимизнинг чекка қишлоғу овулларигача замонавий оилавий поликлиникалар қад ростламоқда, янги бинолар тиббий жиҳоз ва анжомлар билан таъминланмоқда. Мавжуд, бироқ эскириб, яроқсиз ҳолга келганлари эса тўлиқ таъмир-дарм чикариляпти. Бу ислохотлардан шифокорлар ҳам, халқимиз ҳам мамнун.

Тунов куни Жовли отанинг набираси гап топиб келди: қишлоқда эски поликлиника бўлган, у бузилиб, ўрнига янги бино қад қўтарибди. Замонавий бинода беморларга тиббий хизмат кўрсатиш учун барча шaroитлар ҳозирланганмиш. Энди одамлар олисга қатнаб, овора бўлмас экан.
Бу гапларга ишонишни ҳам, ишонмаслигини ҳам билмай, ҳайрон турган отанинг сал аввалроқ ҳам бу ҳақдаги гаплар қулоғига чалингани ёдига тушди. Демак, бежиз эмас. Ёши етмишга яқинлашибдики, амал-тақал қилиб, мослаштириб қўйилган бино янги-линини ҳақида ҳеч бир гап-сўз бўлмаганди. Олдинроқ йўл асфальт бўларкан, дейишганида қуруқ гап бўлса керак деб ўйлаганди. Ана, барака топишин, тоғли ҳудуд демасдан қисқа фурсатда чиройли йўл қуриб кетишди. Бу хушхабарнинг тағида ҳам ҳарқалай ҳақиқат борлигига шубҳа қилмас бўлади.
Орадан кўп вақт ўтмади. Мустақиллик байрами арафасида кўпчилик нурунийлар қатори Жовли отани ҳам замон талабларига мос равишда барпо этилган оилавий



поликлиниканинг очилиш маросимига тақлиф қилишди. Ота эрталабдан тadbир-га отланди. Поликлиника ҳовлиси яқин атрофдаги қишлоқлар аҳолиси билан гав-жум. Барчанинг кўнгли шод. Тоғ бағрига тумор каби ярашқили қад ростлаб турган шинамгина поликлиника бүгун иш бошлайди. Бир четда ўтириб, қолганларнинг хурсандчилигига шерик бўлаётган Эргаш ота истиқлол берган неъматларга шукрона айтишдан чарчамасди. Бир пайтлар биргича тиш оғриги учун туман марказига бориш керак бўларди. Марказ яқин бўлса, қошқи. Бир кун вақт кетади. Гоҳида автобусдан қолиб кетсанг, эртани кутишга тўғри келарди. Эҳ-ҳе, бу тоғлар орасида, бу йўللarda дардманд кишиларнинг қанчаси азоб тортмади

тиббиёт пункти сифатида фойдаланиб келинар, шифокорлар ҳам имкон қадар ўзлари шароит яратишга интилган. Шундай бўлса-да, тоғли ҳудудда киш кунлари хоналарни иситишини ўзи бўлмасди. Айниқса, бирор беморга ёрдам беришга, керакли муолажаларни бажаришга шароит йўқлигидан афсусланишган. Шунга қарамай, қачондир бу манзилда ҳам барчаси кўнгилдагидек бўлишдан умид узишмаган.
Мамлакатимиз мустақиллигининг 33 йилги арафасида 38-сонли “Ҳазара” оилавий поликлиникасининг замонавий биноси фойдаланишга топширилиши ҳазараликлрининг узоқ йиллик муаммоларига ечим бўлди. Орзулар ушалди. Олис яқин, мушкуллар осон бўладиган бўлди.



1950-йилларда қурилган тиббиёт пункти анча эскириб қолгани сабаб кейинги пайтларда аҳолига етарлиқ тиббий хизмат кўрсата олмаётган эди. Шу боис, жорий йил бюджет маблаг и эвазига қайта реконструкция қилиниб, қўшимча бино қурилди, қамрови кенгайтирилган тиббиёт пунктида сифатли тиббий хизмат кўрсатиш учун барча қулайлик яратилди. Пунктда УТТ, ЭКГ, лаборатория текшируви, физиотерапия, стоматология каби замонавий тиббий хизматлар ҳам ташкил қилинди, ҳазараликлр бундан бениҳоя мамнун.
— Олис тоғ ҳудудидagi бир қишлоқда мана шундай замонавий тиббиёт масканининг барпо этилиши бизни жуда қувонтирди, — дейди шу ерлик Жовли ота Эргашов. — Илгари бир неча километрга қатнаб, вақт сарфлаб, маблаг йўқотиб, қисқаси, қийналиб юрардик. Бу маскан бизнинг қишлоғимизга ҳам хизмат кўрсатади. Ўн беш дақиқалик йўл юрсак, етиб келамиз. Эндиликда бемалол келиб, ўз поликлиникамиздан фойдаланиб кетаверамиз. Бу ерда тез ёрдам хизмати ҳам бор экан. Ҳатто тишни даволаш ускуналарига ча келтирилибди. Турли замонавий тиббий текширув аппаратлари келган. Биргина шу поликлиника, билишимча, тўрт маҳалла аҳлига хизмат кўрсатади. Сон жиҳатдан олганда, мавжуд жойлар аҳолига торлик қиларди. Қўпична муолажа олиш хоналаридан аёл ҳам, эркак ҳам бирга ўртага бирор парда ёки бошқа нарсадан тўсиқ қўйиб даволанган. Бугун эса катталар ва болалар учун алоҳида хоналар мавжуд. Ҳеч бир муаммо йўқ.




Кенг қўламли ишлар ҳар бир манзилга кириб бораётгани аҳолини мамнун этмоқда. Шу қаторда соҳада хизмат кўрсатаётган шифокорларнинг ҳам оғири енгил бўлиб, ўз вазифасини режадагидек бажаришига шaroитлар яратилмоқда.
— Жорий йилги истиқлол байрами биз учун қўшалоқ айём сифатида нишонланди, — дейди 38-сонли “Ҳазара” оилавий поликлиника мудири Жўракул Жуманов. — Умумий қиймати 4,5 миллиард сўм бўлган оилавий поликлиника биноси қишлоқ аҳлига байрам олдидадан ажойиб туҳфа бўлди. Қулайлик томони — деярли барча тиббий жиҳозлар берилди. Айрим ташхисларни бемалол шу ернинг ўзида қўйишда муаммо бўлмайдди. Бундан ташқари, илгари даво муолажаларини олиб бориш учун хоналар етишмас, беморлар кутиб қоларди. Эндиликда бу ҳолатларга чек қўйиладиган бўлди. Бир сўз билан айтганда, биз, шифокорлар учун ҳам, аҳоли учун ҳам барчаси ажойиб.
Байрамона қўтаринкилик нафақат Ҳазара қишлоғи аҳолиси учун, балки унга ёндаш Аччиғи қишлоғида ҳам қизғин тантана бўлди. Яъни шу куни бу қишлоқда 38-сонли “Ҳазара” оилавий поликлиникасининг

филиал биноси замонавий қиёфа касб этган ҳолда очилди. Ушбу филиалда ҳам барча шaroитлар яратилибди.
— Бу йилги байрам, айниқса, биз, тиббиёт ходимлари учун ўзгача келди, — дейди Шаҳрисабз туман тиббиёт бirlашмаси раҳбари Зафар Эсонов. — Давлатимизнинг соҳага қаратаётган алоҳида эътибори сабаб тизимда шу қадар катта ўзгаришлар бўляптики, тиббиёт халққа тобора яқинлашмоқда. Жумладан, Ҳазара қишлоғида 38-оилавий поликлиника ва унга ёндаш Аччиғи қишлоғида унинг филиали очилиши шу ерлик аҳоли учун жуда фойдали бўлди. Эларинг тиббий хизматдан рози бўлишини ўйлаб, 50-йилларда қурилган бинолар бузилиб, янги замонавий бинолар қад кўтарди, керакли асбоб-ускуналар билан таъминланди. Энди аҳоли узоқ масофа босиб, туман марказига қатнашига ҳожат қолмади. УТТ, ЭКГ аппаратлари, физиотерапия муолажалари, стоматология хизмати, замонавий лаборатория анализаторлари шу ернинг ўзида муҳайё. Кундузги стационар даволашни учун халқимизга жуда қулай. Энди ўта оғир касалларга туман марказига бормаса, қолган ҳолатда бунга ҳожат қолмади. Ушбу лойиҳаларга 7 миллиард сўмга яқин маблаг сарфланди. Биздан эса фақат хизмат қилиш қолди. Албатта, бундай жойда иш ҳам яхши бўлади.
Шаҳрисабз туманида бутунги кунда фаолият юритаётган 24 та давлат тиббиёт муассасаси томонидан охириги 3 йилликда аҳоли учун 13 миллиард 590 миллион сўм қийматдаги тиббий ёрдам кўрсатилди. Туман марказий шифохонаси ҳамда унинг тасарруфидagi 12 та объектни янгидан қуриш ва таъмирлаш учун 45 миллиард сўм сарфланди.
Ҳозирги кунда эскирган “Damas” автомашиналарининг ўрнига 6 та “Volkswagen” русумли тез тиббий ёрдам машиналари олиб келинди. Туман аҳолилар тиббий хизмат сифатини ошириш мақсасида тиббиёт муассасалари Осиё тараққиёт банки маблағлари ҳисобидан 2,9 миллиард сўмлик тиббий ускуналар билан таъминланди. Энг асосийси, олис ҳудудларда ҳам шарoитлар яратилиши натижасида аҳолининг розилиги ортиб, турмуш тарзи яхшилланмоқда. Ҳар бир манзил фаровонликка юз тўтмоқда.
Акбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Шукрона

ЭЗГУЛИК ЙЎЛИДА СОБИТҚАДАМЛИК

Биринчи Президентимиз вафот этгач, мамлакатимизни обрўсизлантириш, миллий кадриятларимизни оёқости қилишга уринишлар бўлди. Буларнинг олдини олиш учун юртимиз шаънини бор кучи ва иродаси билан ҳимоя қиладиган йўлбошчи керак эди. Ўша пайтда Бош вазир вазифасида ишлаётган Шавкат Мирзиёев ана шундай оғир, залворли юкни елкасига олиб, олдинга чиқди ва қисқа фурсатда халқнинг ишончини, меҳрини қозонди. Бўлиб ўтган Президент сайловида энг юқори овоз тўплади. Бу ўз-ўзидан амалга ошгани йўқ, албатта.



Одилжон ИБРОҲИМОВ,
Фарғона политехника институти
профессори, қишлоқ хўжалиги
фанлари доктори

Шавкат Мирзиёев Бош вазир вазифасида ишлаб юрган кезларида халқ ичига кириб борган, унинг дарди, муаммоларини чуқур англаб олган эди. Бир мутахассис, олим сифатида айта оламан, республикамиздаги

барча вилоят ва улар тасарруфидagi туман ва шаҳарлардаги аҳоли ҳаёт тарзи, ер, сув, ҳудуди, тоғи, боғи, ҳавоси, тупроғи, даласини муҳаммал биларди. Марказий Фарғонанинг 100 минг гектардан ортиқ бархан қумлари, шўрланган тупроқларини ўзлаштиришда ташаббускор бўлди. Қува тумани анорчиликда, Олтиариқ узумчиликка ихтисослаштирилиб, катта майдонларда янги боғлар яратилди. Вилоятларга қилган ҳар бир ташрифи давомида деҳқон-фермер хўжаликларига, хусусий томорқачиларга тупроқ шарoитига мос экинлар экиш, ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланиш, унинг илмий асосини яратиш орқали иқтисодий самардорликка эришиш зарурлигини таъкидлаб келади.
Аниқ эслайман, республикамиздаги экин турлари бўйича умумий майдонга нисбатан 17 фойздан 23 фойзгача беда, 75 фойзгача пахта, 3-4 фойз бошоқли ва бошқа дуккакли экинлар экиларди. Энди бу иш тизими ўзгарди. 2017-2021 йилларда интенсив боғлар, анорзорлар, узумзорлар, анжирзорлар кўпайди. Деҳқонларнинг қўли пул кўрди. Етиштирилаётган сархил мевалар ҳажми ошди, сифати яхшиланди, харидорлари кўпайди. Бугунга келиб деҳқонларимиз иш тажрибалари қўшини мамлакатларда ҳам оммалашяпти.
“Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” гоёси ҳаётини шiorга айланди. Аслида, бу давлатнинг муҳим стратегик дастури эди.



Уни амалга ошириш йўлида қадам-бақадм олға борилмоқда. Президентимизнинг Халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхона ташкил этилгани тудайли фуқаролар билан мустақид идораларни боғловчи мулоқо янги тизим пайдо бўлди. Сўнгги йиллардаги мувожаатларнинг салмокчи қисми уй-жой тақчиллиги масаласи эди. Шу боис, ипотека кредити тизими ислоҳ қилинди ва дарҳол ўз натижасини кўрсатди.
Қўшини давлатлар билан алоқалар янги поғонага кўтарилди. Ўзбек дипломатиясида янги саҳифа очилди. Ўзбекистоннинг қўшини давлатлар билан дўстона, конструктив алоқалар ўрнатиш, Марказий Осиё минтақасида ҳамкорликнинг самарали механизмларини шакллантиришга йўналтирилган ташқи сиёсий фаолияти тубдан ўзгарди. Ўтган йиллар давомида ўзаро ишонч ва яхши қўшничилик муҳитини мустаҳкамлаш бўйича саъй-ҳаракатлар жаҳон ҳамжамияти томонидан Евроосиё минтақасидаги ижобий геосиёсий

жараён сифатида эътироф этилди. Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувларини ўтказиш ташаббуси Президентимиз томонидан 2017 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида тақлиф этилди ва халқаро ҳамжамият томонидан кенг қўллаб-қувватланди.
Яқин ўтмишга назар ташлайдиган бўлсак, мактаб ўқувчи ва ўқитувчилари, корхона ишчи-хизматчиларини кўчаларни тозалаш, қурилиш, қишлоқ хўжалигидagi ҳар хил юмушларга жалб қилиш одат тусига кириб қолган эди. Пахта терими ўқувчи ва талабалар зиммасига тушган, ҳар йили 6-7 миллион одам пахта йиғим-теримига мажбуран сафарбар этиларди. Бу эски иллатларга барҳам берилди.
Жаҳон харитасида турли жабҳаларда мукамаллик сари интилаётган, ақл-заковати билан янги Ўғғоннинг даври пойдеворини яратётган янги Ўзбекистон жиолланиб турибди. Унда эл-юрт манфаати, ошкоралик, ҳамisha эл ичидa бўлиш, ҳар бир фуқаро ҳаётида

миллат ва мамлакат тақдирини кўриш, ҳар бир ёшни ўз фарзандидек билиш, ёшларнинг маънавий камолини диққат марказида тутиш каби мақсадлар муҳассам.
Давлат ва жамият ҳаётидаги ҳар бир қадам, ҳар бир ҳаракат, ҳар бир ҳужжат шу мақсадларга йўналтирилгани билан эътиборни тортади.
Биз жуда тез кечаётган ўзгаришларга қўникиб қолдик. Аслида, барча ислохот, муваффақиятлар замирида қатъият билан узоқни кўзлаган оқилона сиёсат мужассам.
Ўзбекистонда бутунлай янгиача иқтисодий-сиёсий, ижтимоий-маънавий, илмий-маърифий иқлим пайдо бўлди. Қўлга киритилган катта-кичик ютуқлардан асло қоникмаслик, муваффақиятларга маҳлиё бўлмаган мунтазам танқидий баҳолашдек мураккаб вазифаларни қўйиб, маррани баланд олишга даъват қилиш устувор вазифага айланди. Илгари йиллар давомида пайсалга солиниб,

одамларни қийнаб келаятган муаммолар қопқоғи очилди. Бугун камбағалликни қисқартириш хусусида оддий қилиб гапиряпмиз. Ўз даврида ушбу муаммони тан олиш осон бўлмаганини Президентимизнинг ўзидан кўп бора эшитганмиз. “Ёлпик мавзу” бўлган ушбу масала ҳам энди тизимли ечимини топиб бормоқда. Хукумат иш услубини тубдан ўзгартирди. Камбағалликдан чиқариш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.
“Обод қишлоқ” дастури доирасида бошланган эзгу ташаббус энг чекка ҳудудлардаги қишлоқларгача кириб борди. Маҳалла ва қишлоқлар қиёфаси тубдан ўзгарди. Дастур қўлами бир неча бор кенгайиб, мамлакатимиз ҳудудларида қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Буларнинг барчаси инсон шаъни, кадр-қиммати ҳамма нарсадан устун эканини кўрсатмоқда.
Ўтган қисқа вақт мобайнида тadbиркорлар ва фермерлар учун ҳам ўзгаришлар даври бўлди. Асосси текширувларга чек қўйилди, экспортёрлар рағбатлантирилди, ишбилармонлик ташаббуслари тўлиқ қўллаб-қувватланди.
Исloхотлар ҳақида гап кетар экан, давлатимизнинг меҳри сиёсатида алоҳида тўхталмасак бўлмайди. Онага, аёлга эътибор ва эъзоз энг юқори даражага кўтарилгани, уларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшаши учун барча имкониятлар яратиб берилаётгани ҳар биримизнинг кўз ўнгимизда содир бўляпти. Масалан, “Меҳр” операциясини олайлик. Ўқлар ёмғири ёғилиб турган жойларда оғир вазиятга тушиб, чорасиз қолган ватандошларимиз Сурия, Ироқ ва Афғонистондан олиб келинди. Уларнинг асқарияти аёллар ва нарасида болалар эди. Бугун улар тинч, эмин-эркин замонда бахтли ҳаёт кечирмоқда.
Мамлакатимизда ҳар жабҳада амалга оширилган улкан ишларни нафақат биз, балки халқаро жамoатчилик ҳам кўриб, билиб турибди. Айрим одамларда ислохотлар барчани бирдандаги бахтли, бой, соғлом қилади деган нотўғри тушушча бор. Исloхотлар доимо янгилик билан эскилик ўртасидаги кураш, йўл қўйиладиган баъзи ҳатолар, тўсиқларни енгиб ўтишдир. Демократизм, ислохотлар ҳамма учун. Шундай экан, унга муносоиб, юрт тараққиёти, эл фаровонлиги йўлида собитқадам бўлиб хизмат қилайлик.

PARIS 2024
PARALYMPIC GAMES

ЯНГИ РЕКОРД, ЯНГИ МАРРАЛАР БАЙРАМИ

Музаффар паралимпиячиларимиз муносиб кутиб олинди

Бошланиши 1-бегда

Қайд этилганидек, спортчиларимизнинг XXXIII ёзи Олимпия ва XVII Паралимпия ўйинларидаги муваффақиятли иштироки, улар ўрнатган янгидан янги рекордлар ва шунга мос равишда қўлга киритган медаллар, умуман, жамоаларимизнинг ҳар икки йирик мусобақада энг кучлилар орасида юқори ўринни эгаллагани мамлакатимизда ҳар бир фуқаро, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларга ўз салоҳияти, иқтидорини намойён этиши учун зарур шароит яратиш борасидаги саъй-ҳаракатларнинг ўзига хос баҳосидир. Бошқа томондан эса янги Ўзбекистонни барпо этиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш йўлида олиб борилаётган ислохотларнинг ёрқин истиқболдан далолат, аини пайтда ортага қайтмас тус олган янгиланиш жараёнлари шиддатига мос натижадир.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон давлатларнинг ўзига хос куч-қудрати, тараққиёт йўли, ёрқин келажаги намояни сифатида қўрлувчи нуфузли тўрт йиллик мусобақаларда медаллар жамғариш бўйича “Топ-15” таликка кирди.

Энди бевосита Паралимпия ўйинлари мавзусига қайтадиган бўлсак, 28 августдан 8 сентябрга қадар бутун дунё нигоҳи Парижга қадалганини алоҳида қайд этиш жоиз. Негаки XVII ёзи Паралимпия ўйинларида дунёнинг 168 мамлакатидан ташриф буюрган энг кучли пара атлетлар ўзаро куч синашди. Ўзбекистон делегацияси ушбу мусобақада ўз тарихидаги энг яхши натижани қайд этиб, бу борадаги рекордини янгиллади. Париж майдонларида 10 марта мадҳиямиз янгради, 26 бор байрогимиз баланд кўтарилди.

Жумладан, матонатли спортчиларимиз мурасасиз беллашувларда илк бор 10 олтин, 9 кумуш ва 7 бронза медални қўлга киритиб, бундан олдинги Паралимпия ўйинларидаги натижасини яхшилади.

Ушбу натижа билан делегациямиз Паралимпия ўйинларини юқорида айтиб ўтганимиздек, 168 мамлакат орасида 13-ўринда якунлади. Ўзбекистон Осиёда учинчи, МДХ, Марказий Осиё минтақаси, Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар ўртасида эса биринчи ўринни эгаллади. Токио шаҳрида бўлиб ўтган бундан олдинги XVI Паралимпия ўйинларида эса мамлакатимиз вакиллари 160 дан зиёд давлат ўртасида 16-, Осиё қитъаси ҳамда МДХ миқёсида 4-ўринни эгаллаган эди.

Бундан ташқари, мажкур Паралимпия ўйинлари жамоамиз учун қўллаб-қувватлаш



лари билан ёдда қоладиган, спортимиз тарихига муҳрланадиган бўлди. Жумладан, тарихда илк бор 65 пара атлетимиз Паралимпия ўйинларида 113 та лицензия қўлга киритди. Бу ҳам жамоамизнинг ўзига хос рекорди ҳисобланади. Чунки паралимпиячиларимиз 2016 йил Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган ўйинларга 32 та, Токиода бўлган ўйинларга эса 55 та лицензия қўлга киритган.

“Париж — 2024” мусобақасининг яна бир аҳамиятли томони, делегациямиз биринчи бор Паралимпия ўйинларида 9 та спорт турида иштирок этди, Паралимпия ўйинлари тарихида биринчи марта пара энгил атлетикачиларимиз 16 медал билан умумжамоа ҳисобида 2-ўринни, пара тазковончиларимиз эса 3 медал билан умумжамоа ҳисобида 3-ўринни эгаллади.

Бунда пара энгил атлетика бўйича аёллар ўртасида Т11 классида узунликка сакраш баҳсида 5,24 метр натижа билан Паралимпия ўйинлари рекордини ўрнатган Асила Мирзаёрова, 3 карра Паралимпия ўйинлари ғолиби Шерзод Намозов, пара энгил атлетикачиларимиз Толиббой Йўлдошев, Нурхон Қурбонова каби матонатли спортчиларимиз қўлга киритган тарихий ғалабалар катта аҳамиятга эга.

— Аввало, олдимга қўйган асосий мақсадим — Паралимпия ўйинлари ғолиби бўлишга эришдим, — дейди F12 ядро улоқ-



тириш баҳсларида олтин медални қўлга киритган спортчимиз Элбек Султонов. — Бундан олдинги Токио мусобақаларида бронза медалга сазовор бўлган кунимдан бошлаб, чемпион бўлиш мақсади йўлида ушбу нуфузли тўрт йилликка тайёврландим. Ғолиблик учун мамлакатимизда биз каби спортчиларга замонавий шароитлар яратиш берилгани, айниқса, давлатимиз раҳбарининг мусобақа жараёнида ҳам спортчиларни қўллаб-қувватлаб, телефон орқали мулоқот қилгани, далда бергани бизга катта куч, ишонч, мотивация берди. Буларнинг барчасини оқлаганимиз, юзимиз ёруғ бўлиб Ватанга қайтиб келганимиздан жуда-жуда хурсандимиз. Бизни қўллаб-қувватлаган барча юртдошларимизга катта раҳмат.

Бундай тарихий натижага осонликча, ўз-ўзидан эришилмайди, албатта. Шу маънода, ҳеч муволағасиз айтишимиз мумкинки, ушбу эришилган оламшумул ютуқлар замирида мамлакатимизда Паралимпия ҳаракатига қаратилаётган алоҳида эътибор ва яратиш берилган шароитлар турибди.

— Аслини олганда, оилавий спортчиларимиз, — дейди Паралимпия ўйинлари ғолиби Нурхон Қурбонованинг отаси Ғулмжон Бозоров. — Барча фарзандларим қатори Нурхонни ҳам ёшлигидан спортга қизиқтириб, имкониятга мос тарзда шу-

ғуллантириб келганман. Албатта, уй ёки қишлоқ шароитида яхши спортчи тарбиялаш мумкин, лекин жаҳон чемпионларини етиштириш учун давлатнинг эътибори зарур бўлади. Шу маънода, қизимнинг Паралимпия ўйинларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, олтин медални қўлга киритгани замирида ҳам мамлакатимизда спортга қаратилаётган катта эътибор, яратиш берилган шароитлар, айниқса, Президентимизнинг алоҳида қўллаб-қувватлови турибди деб ўйлайман. Хонадонимни чексиз бахт ва қувончга тўлдирган ушбу ғалаба учун барча-барчага миннатдорлигини билдираман.

Президентимиз 2021 йил 10 сентябрь кунин XVI Паралимпия ўйинларида иштирок этган спортчи ва мураббийлар, Миллий паралимпия қўмитаси ва спорт федерациялари раҳбарлари, паралимпиячиларнинг ота-оналари билан учрашувда Токиода эришилган натижаларни мустаҳкамлаб, янада кўпроқ ютуқларни қўлга киритиш учун Париж Паралимпия ўйинларига ҳозирдан аниқ тизим асосида тайёргарлик кўриш зарурлигини таъкидлаган эди. Айни мақсадда жисмоний имконияти чеклан-

ган фуқароларни спортга кенг жалб этиб, паралимпия ҳаракатини ривожлантириш, иқтидорлиларни саралаб тарбиялаш, спорт таълими масканларида паралимпия бўйича бўлимлар ташкил этиш, қўшимча квоталар ажратиш, махсус ўқув дастурлари ва методика жорий қилиш каби муҳим вазифалар белгиланган бўлган.

Орадан бир оз вақт ўтиб, 2021 йил 5 ноябрда ушбу вазифаларни рўёбга чиқаришнинг ҳуқуқий асоси сифатида Президентимизнинг “2024 йил Париж шаҳрида (Франция) бўлиб ўтадиган XXXIII ёзи Олимпия ва XVII Паралимпия ўйинларида Ўзбекистон спортчиларини комплекс тайёрлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ, олимпия ва паралимпия дастурларига киритилган спорт турлари бўйича юқори натижадор ва олимпия спортчилар захирасини яратиш, лицензиялар сонини сезиларли даражада кўпайтириш, спорт менежментини такомиллаштириш, спорт фармакологияси, психологияси, тиббиёти, диетологиясини чуқур таҳлил қилиш ва ўрганиш, талабгорлар орасида аёл спортчилар улushiни ошириш, спорт базалари ва иншоотларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш каби устувор вазифалар белгиланган эди.

Ифтихор

ҒАЛАБАНГИЗ – ИНСОНИЯТ САОДАТИ!

Париж–2024. XVII ёзи Паралимпия ўйинлари ғолибларига

Жоним билан боқдим хориж томонларга,
Ўғил-қизим кетган Париж томонларга.

Бу майдонда чин матонат жанги борар,
Ҳам шишжое, ҳам жасорат жанги борар.

Томирдаги аждодларнинг қони учун
Буюк Ватан, буюк миллат шони учун!

Ҳаёт — мактаб, унда ҳамма толиб бўлар,
Ҳаёт — кураш, ким маглуб, ким ғолиб бўлар.

Асилаю Муслима дил ҳайратидир,
Жаҳон ичра Ўзбекистон нусратидир!

Асад, Шерзод, Гулжан, Кумуш дилбандларим,
Алтомишга, Ойбарчинга монандларим.

Шаҳина сен, Қалдирғочдай қизим-да сан,
Жоним, маним қўзимдасан, сўзимдасан.

Ҳеч ким орни полвон каби суймагидир,
Зафар байрогини олмай қўймагидир.

Ғалабалар самари бир нафасдадир,
Толиб, Нурхон сизга олам ҳавасдадир.

Ҳар ким яшар Худо берган юмуш билан,
Хирож тўлар жаҳон олтин-қумуш билан!

Довругингиз оламларни тутди бу кун,
Сиз ютдингиз, она Ватан ютди бу кун!

Сиз келдингиз, янги шиддат-шаҳдга тўлиб,
Қаршингизда эл турибди бахтга тўлиб.

Жаҳонни лол этди Ватан маҳобати,
Ғалабонгиз — инсоният саодати!

Ғайрат МАЖИД,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси аъзоси

Шу асосда паралимпия ўйинларида тайёргарлик кўриш давомда барча спортчиларга зарур шароитлар яратиш берилди, хорижий ўқув-машгулот йиғинлари ташкил этилди, зарур тиббий-фармакологик воситалар билан ўз вақтида таъминланди. Пировардида қўйилган катта мақсад — тарихий натижага эришилди.

Матонатли спортчиларимиз махсус автобусларда пойтахтимиз кўчаларини айланди. Паралимпиячиларимиз юрган йўналиш бўйлаб минглаб юртдошларимиз уларнинг ғалабаси, хурсандчилигига

шерик бўлиб, тантанали маросимга ўзгача кўтаринки руҳ улашди.

Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитасида XVII ёзи Паралимпия ўйинлари ғолиби ва совриндорларига Президент совғалари — автомобиль, уй ва пул мукофотлари тантанали топширилди.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



ҒАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари тахририяти” ДМ

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Тахририятга келган қўлхатлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жихатдан сифатли чоп этилишига “Kolograk” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 3087

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“Kolograk” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манлиги: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмаҳона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Юнус Бўронов
Мусаххас: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуриш Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 23:30 Топширилди — 00:30